

**ИМОМ БУХОРИЙ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ**

تيسير مصطلح الحديث

(Осонлаштирилган ҳадис илми)

«МУСТАЛАҲУЛ ҲАДИС»

ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент Ислом институти ўқитувчиси
Хамроқулов Жалолиддин

Тошкент – 2004

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

...

Аллоҳ таоло марҳамат қиладиким: «Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, аниқлаб-текшириб кўринглар!...» (Ҳужурот сураси, 6-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: «Биздан бир нарса эшитиб, уни ҳудди эшитганидек етказган кишини Аллоҳ неъматлантирсин. Гоҳо етказилган (киши) эшитувчидан кўра фаҳмловчирокдир.

Имом Термизий ривояти.

Ушбу дарслик Тошкент Ислам институти қошидаги услубий кенгаш тавсияси билан нашрга тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита рухсати билан чоп этилди.

Муқаддима

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳга шундай ҳамдлар бўлсинки, У илм нури билан кўзларимизни очди, Ислом билан сирларимизни поклади. Бутун инсониятнинг афзали бўлган, илм ва саломни ёйган, ер юзини ҳикмат ва баёнга тўлдирган зотга, у кишининг аҳлларига ва у зотнинг суннатларига эргашган, йўлларини маҳкам тутган, илм ва фазилат билан дунёнинг барча томонига етиб борган саҳобаларга салом ва саловотлар бўлсин.

Маълумки, дин илмлари ичида энг шарафлиси Қуръони каримга оид илмлар бўлса, ундан кейинги даражада ҳадис ва унга тааллуқли илмлар туради. Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари Қуръони каримнинг мулозими, муфассири ҳамда унинг мақсадларини шарҳловчи бўлганлиги учун Ислом уламолари ҳадиси шарифларни катта аҳамият билан ўргандилар.

Инсоният тарихида умматлардан бирортаси ҳам ўз ичидан чиққан пайғамбар ё олим ёки ҳурматли ва обрўли кишиларнинг сўзларига мусулмонлар ўз пайғамбарлари Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётларига эътибор берганлари каби аҳамият бермаганлар.

Зеро, Пайғамбар алайҳиссалом Қуръони каримни баён қилиб етказувчи эканлигини Аллоҳ таоло қуйидагича марҳамат қилган:

«... сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу эслатма – Қуръонни нозил қилдик» (Наҳл сураси, 44-оят).

Бугунги кунда, хусусан, толиби илмларнинг, умуман олганда, халқимизнинг ҳадис илми ҳамда унга боғлиқ бўлган

фанларнинг ўрганишга жуда катта эҳтиёжлари бор. Боз устига баъзи бир етарли илмга эга бўлмаган, ҳатто умуман арабий саводи йўқ кишилар, мустаҳкам манбага асосланмаган, юзаки, ҳеч бир масъулиятни, гуноҳни ўйламай, сўралган масалага жавоб айтадиган бўлиб қолганлари ачинарлидир. Зотан, Пайғамбар алайҳиссалом мутавотир даражасидаги бир муборак ҳадисларида «Ким менинг номимдан қасддан ёлғон тўқиса, дўзахдан жойини олаверсин», деганлар.

Шундай экан, динимизнинг асосларидан бири бўлган ҳадисларга бўлган эътиборимиз ва эҳтимомимиз ўз мақомича бўлмоғи даркор. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги мусулмонлар авлоди – саҳобалар, тобеъинлар, табаъа тобеъинлар ва улардан кейин келган улуғ зотлар бу бобда барчамизга ўрнак, намунадир.

«Мусталаҳул-ҳадис» фанидан ёзилган маърузалар матни мазкур эҳтиёжни тўлдириш йўлида қилинган ишлардан биридир. Бу иш «Мусталаҳул-ҳадис» фани бўйича ёзилган ўзбек тилидаги илк қўлланма бўлганлиги китобнинг аҳамиятини оширади.

Китобнинг асосий матн ва мавзуларининг жойлашиш услуби мисрлик олим, шу соҳада олий ўқув юртларида таълим берган доктор Маҳмуд Таҳҳон қаламига мансуб «Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис» номли китобидан фойдаланилган. Китоб жуда содда, ўқувчи зехнига осон етадиган тартибда ва бахсларга ажратиб, алоҳида рақамлар билан келтирилган.

Китоб «Мусталаҳул-ҳадис» илмининг келиб чиқиши, ривожланиш босқичи, ундаги атама ва истилоҳлар, хабар ва уларнинг қисмлари, амал қилинадиган ва амал қилинмайдиган ҳадислар, уларнинг ҳукмлари, жарҳ ва таъдил қоидаси, муҳаддис одоби, ривоят санади, олимлар табақаси каби билимлар билан танишишда ёрдам беради.

«Мусталахул-ҳадис» фанидан ёзилган ушбу ўқув қўлланмадан Ислом олий ўқув юртларида, ўрта махсус Ислом билим юртларида дарслик сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, ҳадис илмига қизиққан ҳар бир мусулмон кишига ҳам манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу китоб ўзбек тилида яратилган дастлабки қўлланма бўлгани учун ҳам, баъзи нуқсон ва камчиликлардан холи эмасдир. Шундай экан, қўлланма юзасидан билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар муаллиф томонидан мамнуният билан қабул қилинади.

Аллоҳ таоло бу хизматни Ўзининг ризолиги йўлида қилинган ишлардан бўлишини, бу китоб сабабли Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннати мутахҳараларини қайта ихё қилишини ҳамда барчани бундан фойдалантиришини сўраб қоламиз. Омийн!

Муаллиф

I мавзу: Кириш

1. Ҳадис ва суннат нима? Тарихи ва ҳадисни текшириш услублари.

2. Мусталаҳул ҳадис илмининг пайдо бўлиши. Бу бобдаги аввалги таърифлар.

3. Мусталаҳ илми тўғрисида ёзилган энг машҳур китоблар ва диёримиздан етишиб чиққан муҳаддислар. Уларнинг ҳадис илмига қўшган ҳиссалари.

Суннат ва ҳадис бир-бирининг ўрнида ишлатилиб келинган истилоҳдир. Ҳадис хосроқ, суннат умумийроқ кўринади.

«Ҳадис» араб тилида «гап, сўз» маъносини англатади. Демак, ҳадис деганда, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган гап-сўзлари тушунилади. Ҳадис илми билан шуғулланувчи олим муҳаддис, дейилади.

«Суннат» сўзи араб тилида «тариқат, маънавий йўл» маъносини англатади.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатлари деганда, у кишининг тариқатлари, йўлларини тушунамиз. Муҳаддислар истилоҳда қуйидагича таъриф қиладилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрир, халқий (тана тузилиши), ахлоқий сифатлар ва таржимаи ҳолга тегишли маълумотларга «суннат», дейилади».

Муҳаддис уламоларнинг фикрича, ҳадис ва суннат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак гапирган сўзлари, бажарган феъллари ёки бирон феълни бажарганда бу феълдан рози бўлганликлари ёхуд сукутлари ва сифатларининг ифодасидир. Буларнинг ҳаммаси ҳадис бўлиб, шаръий ҳукм ҳисобланади. Аммо бу икки лафз, яъни ҳадис ва суннатларнинг луғавий маъноларига эътибор

берилса, луғат ва истилоҳ жихатидан ишлатишда фарқлари бордир.

Ҳадис – гаплашиш ва бирор нарсанинг хабарини бериш маъносида келган баён ва ифоданинг номидир. Кейин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапирган гаплари, бажарган феъллари, бирор масаладаги розиликлари ёки сифатлари ҳадис, дейилган.

Баъзи муҳаддис уламолар «ҳадис» тушунчасида «янгилик» деган маъно бор, дейишган. Бу сўзни «қадим» сўзининг муқобили сифатида ишлатишган.

«Қадим» деганда Аллоҳ таолонинг китоби Қуръони каримни, «ҳадис» деганда эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзларини назарда тутишган. Шу сабабдан уламоларнинг кўпчилиги Аллоҳ таолонинг каломини ҳадис, деб номлашдан сақланишган.

Суннат асл эътибори билан ҳадис лафзига баробар эмас. «Суннат» сўзи нима? – деганда, Пайғамбар алайҳиссалом келтирган диний йўл тушунилади. Чунки «суннат» лафзи луғатда «йўл», деган маънода келади. Бир томондан ҳадис Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган сўзлари, бажарган феълларини ифода этса, суннат эса фақатгина у зотнинг бажарган феълларидир. Бу икки лафз тушунча орасидаги ана шу фарқ туфайли баъзи муҳаддислар: «Бу ҳадис қиёсга, суннатга ва ижмоъга зиддир», дейишган. Бу иккала сўз орасидаги бир-бирига ўхшашликни ана шундай ифода ва иборалар мазмунидан тушунамиз.

Суннат Қуръони карим билан чамбарчас боғлиқ. Аллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони каримнинг биринчи оятларини нозил қилиб, у зотни охириги пайғамбар, деб эълон қилди. Исломнинг биринчи кунидан бошлаб, мўмин-мусулмонлар каттаю кичик ҳар бир нарсани ўз пайғамбарларидан ўргана бошладилар. Улар у зотдан илоҳий дастур бўлган Қуръон оятларидан тортиб, то оддий таҳорат олишгача бўлган ҳамма нарсаларни аста-секин қабул

қилиб олар эдилар. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам муборак ҳаётларининг бирор лаҳзаси ҳам саҳобаи киромларнинг диққат-эътиборидан четда қолмас эди. Чунки у зотнинг муборак оғизларидан чиққан ҳар бир сўз, ўзларидан содир бўлган ҳар бир ҳаракат шариат ҳукми, ўрнатма, ҳикмат, насиҳат ва кўрсатма сифатида қабул қилинарди. Саҳобалар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан узлуксиз бирга юришар, у зотдан содир бўлган ҳар бир нарсани ўта аниқлик билан ёдлаб олишар ва ривоят қилишар эди. Шу тариқа Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаракатларидаги заррача нарсаси ҳам саҳобаларнинг назарларини четлаб ўтмасди. Шундай қилиб, Муҳаммад алайҳиссалом суннатларини англаб, бошқаларга ривоят қилиш у кишининг ҳаётлари давомидаёқ бошланган эди. Саҳобалар бир-бирларига, айниқса, катта саҳобалар кичикларига Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларини оқизмай-томизмай ривоят қилганлар. Саҳобалардан эса улардан кейинги мусулмонлар авлоди – тобеъинлар қабул қилиб олганлар.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам вақтларида, тўрт халифа даврида, то 100-ҳижрий санагача ҳадисни ёзиб қўйиш расмий равишда йўлга қўйилмаган. Чунки у зот саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мендан Қуръондан бошқани ёзмаганлар», деганлар. Аммо хусусий равишда ўзлари учун Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ёзиб юрган саҳобалар бор эди. Лекин ёзганлар ҳам, ёзмаганлар ҳам ҳадисларни ўта аниқлик билан ривоят қилишликни ўзларининг муқаддас бурчлари, деб билар эдилар. Бирорта ҳадисни аниқлаш учун ҳар қанча оғир меҳнатдан, узоқ сафардан ҳам қочмас эдилар.

Биринчи ҳижрий аср охирида халифалик қилган Умар бин Абдулазиз Ибн Шихоб аз-Зухрийдан ва бошқа муҳаддислардан омма учун ҳадис китоб ёзишни сўради. Ибн Шихоб аз-Зухрий содда қилиб бир китоб таълиф қилди.

Расмий равишда ҳадис китоблар ёзиш шундан бошланди. Бу муборак ва маъсулиятли вазифага алоҳида ҳимматли уламолар бел боғлаб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ишончли, адолатли ривоятлардан олишни, суннати набавия пок, соф эканлигини исбот этишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Шу билан бирга улар сохта ҳадислар ва уларни тўқиганларни фош қилишни ҳам кўзлаб иш олиб бордилар. Улар бу мақсадга эришиш йўлида инсоният тарихида мисли кўрилмаган улкан ва нозик, ишончли ва покиза илмий иш олиб бордилар.

Ҳижрий учинчи аср ҳадис илмининг олтин асри бўлди. Айнан шу асрда бу илм ривож топиб, энг машҳур китоблар ёзилди. Аввал бошида уламолар «Муснад» китоблар таълиф этишди. Сўнгра Имом Бухорий ўзларининг машҳур «Жомеъ ус-Саҳиҳ» китобларини ёздилар. Кейин айнан шу услубда шогирдлари Имом Муслим «Саҳиҳ» китобини тузди. Худди шу асрда «Сунан» номи билан шуҳрат топган ҳадис китобларини таълиф этиш одат тусига кирди. Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насайй ва Имом ибн Можаларнинг «Сунан» китоблари ана шу китобларнинг энг машҳурларидир.

Булардан кейин келган муҳаддислар ҳам асосан аввалги муҳаддислар тўплаган ҳадисларни турли тўпламларга жамлаш, тартибга солиш ёки уларга шарҳ ёзиш билан шуғулландилар. Мазкур илмий ҳаракат самараси ўлароқ, «Мусталаҳул ҳадис» илми пайдо бўлди. Бу илм ривоят қилинган хабарнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқловчи илмдир. У тўғри бўлса, қай даражада тўғри, нотўғри бўлса, қай даражада нотўғри эканлигини яхшилаб баён қилиш қоидаларини ўз ичига олади. Бу илм туфайли дунёдаги хабар ва ривоятларнинг тўғрилигини аниқлашнинг энг ишончли услуби ва йўллари ишлаб чиқилди. Муҳаддисларнинг бу

илмга асос солишлари бошқа илмлар ривожига ҳам сабаб бўлди.

Тўртинчи ҳижрий асрда «Мусталаҳул ҳадис» илмида биринчи бўлиб китоб тасниф қилган олим Қози Абу Муҳаммад ал-Ҳасан бин Абдурахмон бин Холлад ар-Ромахурмузий (вафоти 360 ҳ.) – «Ал-Муҳаддис ал-фосил байна ар-ровий вал-ваъий» номли китобларини содда услубда ёзганлар. Бу китоб барча мусталаҳ илмининг бахсларини ўз ичига олмаган бўлса-да, биринчи таълиф қилинганлиги боис шаъни-мартабаси юксакдир.

2) Ал-Ҳаким Абу Абдуллоҳ ан-Найсабурий (вафоти 405 ҳ.) – «Маърифату ал-улуму ал-ҳадис» китобини битганлар. Китоб бахсларга ажратилмаган ва тартибланмаган.

3) Ал-Ҳатийб Абу-Бакр ал-Бағдодий (вафоти 463 ҳ.) – «Ал-Кифоя» асари мусталаҳ илмига тааллуқли бўлган ривоят қоидалари ва бу илмга эътиборли бўлган нарсаларни ўз ичига олган мукамал китобдир.

4) Ал-Ҳатийб Абу Бакр ал-Бағдодий қаламига мансуб «Ал-Жомеъ ли-ахлоқий ровий ва ал-адаб ас-сомеъ» асари ривоят одоблари, ҳар бир бобнинг алоҳида ажратилганлиги, бахсларнинг эса ниҳоятда гўзал услубда келтирилганлиги билан ажралиб туради. Ал-Ҳатийбнинг бу асари «Мусталаҳул ҳадис» илмида танҳо ҳисобланади.

5) Қози Ийёзнинг (вафоти 544 ҳ.) «Ал-Илмоъ» асари. Китобда ривоят кайфиятларига тааллуқли бахслар қисқача келтирилган, асар боб-боб қилиб ажратилган бўлиб, тартиби, жойланиши ниҳоятда чиройли.

6) Ибн Салоҳ ад-Димашқийнинг (вафоти 643 ҳ.) «Муқаддимату ибн-Салоҳ» асари мусталаҳ тўғрисидаги энг сара китоблардандир.

7) Ибн Касир ад-Димашқийнинг «Ихтисору улумул ҳадис» асари ҳам бу илм борасидаги маълумотлари билан машҳур.

8) Ибн Хажар ал-Асқолонийнинг (вафоти 852 х.) «Нуҳбатул фикар» номли китоблари. Асар ҳажм жиҳатидан кичик бўлса ҳам, фойдаси катта. Уни муаллиф ўзига хос тартиб ва қисмларга бўлган.

9) Умар бин Муҳаммад ал-Байқунийнинг (вафоти 1080 х.) «Ал-Манзуматул-Байқуний» асари эса 34 та байтдан иборат мухтасар манзумотлардан ташкил топган. Бу китобга кўплаб шарҳлар битилган.

10) Муҳаммад Жамолиддин ал-Қосамий ҳам (вафоти 1332 х.) «Қоваъид ат-Таҳдис» китобини ёзган. Асар таҳрир қилинган.

Кейинчалик бу соҳада жуда ҳам кўплаб китоблар ёзилган.

Аллоҳ таоло юртимизни Ислom нури билан мунаввар қилгандан кейин ерли халқ аҳолиси Ислomни яхши ўзлаштириб олди. Ислom туфайли ҳаётнинг барча соҳаларида улкан муваффақиятга эришилди. Ислom сояси остида бу диёр гуллаб яшнади. Халқ эса дунёнинг ўша вақтдаги пешқадамларидан бирига айланди. Агар тарихга назар соладиган бўлсак, ҳаётнинг барча соҳаларида кўзга кўринган арбоблар, дунёга донғи кетган буюк шахслар, жумладан, ҳадис илми бобида ҳам буюк муҳаддислар етишиб чиқдилар. Уларни номма-ном санаб чиқиш мушкул. Фақат энг машҳурларидан баъзиларини зикр қилиш билан кифояланамиз. Исҳоқ бин Роҳавайҳ ал-Марвазий, Абдуллоҳ бин Муборак ал-Марвазий, Имом Насай, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доромий Самарқандийлар бутун Ислom оламида ҳадис илмининг пешволари, деб тан олинган. Умуман, ҳадис илми бўйича ҳеч бир мусулмон юрти бизнинг юрт олдига туша олмайди.

Дунё бўйича энг мўътабар ҳадис китоблари олтига бўлиб, шундан бештасига ҳамма яқдил иттифоқ қилган. Булар Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Насайнинг китобларидир. (Шулардан Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Насайлар юртимиз

фарзандларидир.) Олтинчи ўринга учта китоб даъвогарлик қилади. Улардан бирининг эгаси бўлмиш Имом Доромий Самарқандий ҳам бизга ҳамюртдир. Яна Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»лари Қуръондан кейинги энг ишончли китоб, деб тан олинган.

Таърифлар:

1. – Мусталаҳ илми – усул ва қоидалар билан санад ва матннинг аҳволи тўғри ёки нотўғрилигини аниқловчи илм.

2. – Самараси – ҳадисларнинг саҳиҳини касалидан ажратиш.

3. – Ҳадис – луғатда янгилик, истилоҳда:

Пайғамбаримизга изофа қилинган сўз ё амал, ё тақрир, ё сифатдир.

4. – Хабар – луғатда хабар қилиш бўлса, истилоҳда уч хил фикр бор:

а) у ҳадис билан муродиф – маънодош, яъни истилоҳда ҳадис билан хабар бир хил маънода қўлланилади;

б) у ҳадисдан фарқ қилади, яъни ҳадис Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан келган нарса. Хабар у кишидан бошқалардан келган нарсадир;

в) умум маънода, яъни ҳадис Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан келган нарса, хабар эса ҳам Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан, ҳам бошқалардан келган нарса, деб тушунилади.

5. – Ал-асар – луғатда бирор-бир нарсанинг изи, асарининг қолиши. Истилоҳда эса икки хил қавл бор:

а) у ҳадис билан маънодош, яъни истилоҳда иккиси бир маънода қўлланилади;

б) у ҳадисдан ўзгача, яъни асар саҳобалар ва тобеъинларга изофа қилинган сўз ва амаллардир.

6. – Ал-иснад – бунинг ҳам икки хил маъноси бор:

а) ҳадисни ўз айтиувчисига нисбатан суянтириш;

б) матн гача бўлган ровийлар силсиласи. Бу сўз санад маъносига ҳам маънодошдир.

7. – Ас-санад – луғатда «суянчиқ» маъносини англатади. Муҳаддислар истилоҳида эса ҳадис матнига олиб борувчи суянчиқ йўлга «санад», дейилади.

8. – Ал-матн – луғатда «ернинг тепалигида турадиган қаттиқ нарса» маъносини англатади. Истилоҳда санад ун гача етиб борган калом тушунилади.

9. – Ал-муснад – луғатда «» – «аснада» феълидан исми мафъул бўлиб, «унга суянтирилди», «нисбат берилди» маъноларида келади. Истилоҳда уч хил маънода келади:

а) ҳар бир саҳобанинг ривоятлари алоҳида жамланган китоб, яъни саҳобаи киромларнинг номлари тилга олиниб, аввал битталари қанча ҳадис ривоят қилган бўлсалар, барчаси бирин-кетин келтирилади. Кейин иккинчи саҳобийга ўтилиб, у киши ривоят қилган ҳадислар келтирилади;

б) санади муттасил марфуъ (Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга етказилган ҳадис);

в) бундан «мим»ли масдар, деб «санад» маъноси тушунилса ҳам бўлади.

10. – Ал-муҳаддис – у ҳадис илми билан шуғулланган олим.

11. – Ал-хофиз – бу ҳақда икки хил фикр бор:

а) кўп муҳаддис олимлар «Муҳаддис» билан «Хофиз» бир хил маънода ишлатилади, деганлар;

б) баъзи олимлар фикрларича, хофиз кўп табақаларда муҳаддис билмаган нарсаларни ҳам билади, шунинг учун унинг даражаси муҳаддиснинг даражасидан баландроқ, дейилган.

12. – Ал-Ҳоким – у жами ҳадислар илмларини яхши ўрганган киши, дейилган.

Мавзу бўйича таянч сўзлар (истилоҳий терминлар): мусталаҳ илми, ҳадис, суннат, хабар, асар, иснод, санад, матн, муснад, муҳаддис, ал-хофиз, ал-ҳоким.

II мавзу: Хабар

1. Мутавотир хабар – таърифи, шарти, ҳукми, қисмлари.
2. Оҳод хабар – таърифи, ҳукми.
3. Машҳур ҳадис – таърифи, мисоли, ҳукми.
4. Азиз ҳадис – таърифи, ҳукми.
5. Ғариб ҳадис – таърифи, қисмлари.

Хабар – бизгача етиб келиш йўллари кўп бўлиб, муайян етиб келиш эътиборига кўра икки қисмга бўлинади:

а) агар хабарнинг етиб келиш йўллари кўп бўлиб, муайян ададга чегараланмаган бўлса, мутавотир хабар, дейилади;

б) агар хабарнинг етиб келиш йўллари муайян ададга чегараланган бўлса, у оҳод хабар бўлади.

Мутавотир хабар

А) Таърифи: луғатда «ат-тавотур» калимасидан исми фоил бўлиб, «ат-татабуъ» кетма-кет, узлуксиз, деган маъно тушунилади. Масалан: «тавотарал матору», дейилса, «ёмғир тинмасдан ёғди», деб тушунилади. Муҳаддислар истилоҳида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган биринчи, иккинчи ва учинчи халқа одамлари ёлғон келишувга имкон бермайдиган даражада кўп бўлиши керак. Мисол учун бир ҳадисни Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан ўттиз киши ривоят қилган, худди шу ҳадисни мазкур ўттиз саҳобийдан шу қадар ёки ундан ҳам кўп ададдаги тобеъинлар, улардан эса худди шунча табаъа-тобеъинлар ривоят қилганлар. Ана ўша ҳадис мутавотир ҳадис, дейилади.

Б) Шартлари: мутавотир ҳадис тўртта шартни ўз ичига олади:

1. Кўп ададли ровийларнинг ривоят қилмоқлиги (энг кам адади ўн киши бўлишлиги).

2. Шу кўплик санаднинг ҳар бир табақасида топилишлиги.

3. Одатда улар ёлғонга келишиб олинганлиги хаёл қилинмаслиги.

4. Уларнинг шу хабарлари ҳисга (эшитиш, кўриш, ушлаш) суянтирилган бўлишлиги.

В) Ҳукми: мутавотир ҳадислар, деб билиш зарур, ишончли бўлган илмга айтилади. Зеро, инсон уни тасдиқ қилиб, аниқ ишонишга мажбур. Мутавотир бўлган ҳадис ила собит бўлган ҳукми инкор қилган киши кофир, бундай ҳукми эътироф этса-ю, лекин унга амал қилмаган одам эса гуноҳкори азим бўлади.

Г) Қисмлари: мутавотир хабар икки қисмга тақсимланади:

1. – «Ал-Мутавотир ал-лафзий», у лафзи ҳам, маъноси ҳам мутавотир бўлган ҳадисга айтилади.

Мисол:

Маъноси: «Ким менинг номимдан қасддан ёлғон тўқиса, дўзахдан жойини олаверсин». Бу ҳадисни етмишдан зиёд саҳобий ривоят қилишган.

2. – «Ал-Мутавотир ал-маънавий», маъноси мутавотир бўлиб, лафзи мутавотир даражасига етмаган ҳадисга айтилади.

Мисол: «Дуо қилаётган вақтда икки қўлни кўтариб дуо қилиш». Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан бу тўғрида юзга яқин ривоятлар келган. Ҳамма ҳадисларда дуода икки қўлни кўтарганлар, деб келган, аммо уни кўтариш ўринлари ва бажариш ҳолатлари ҳар хилдир. Шу боис мутавотир бўлолмайди. Лекин йўлларнинг жамланмасига биноан бу ҳадис «мутавотир маънавий» ҳисобланади.

Оҳод хабар

А) Таърифи: луғатда «аҳад» калимасининг кўплиги бўлиб, «вахид – ёлғиз, ягона, бир», деган маъноларда келади, яъни озчилик кишилар ривоят қилганлиги тушунилади. Уломалар истилоҳида эса биринчи уч асрда ровийларининг сони мутавотир даражасига етмаган ҳадисга айтилади.

Б) Ҳукми: назарий илм ҳисобланади, яъни текширув ва далил қидиришга муҳтож бўлган илмдир. Оҳод ҳадис билан собит бўлган ҳукмга амал қилиш вожибдир. Унга амал қилмаган одам тарки вожиб ила гуноҳкор бўлади.

Оҳод хабар йўллариининг ададига нисбатан 3 қисмга тақсимланади:

1. Машҳур
2. Азиз
3. ғариб

Машҳур ҳадис

А) Таърифи: луғатда «шаҳартул амро» дан исми мафъул бўлиб, «ишни ошкор қилмоқ, эълон қилмоқ» маъносида ишлатилади. Истилоҳда эса ҳар бир санад табақасида камидан учта ровий ривоят қилиб, мутавотирлик даражасига етмаган ҳадисга машҳур ҳадис, дейилади. Машҳур ҳадиснинг Мутавотирдан фарқи Пайғамбаримиз (с.а.в)дан ривоят қилувчи саҳобаларнинг озлигида, холос.

Б) Мисол:

«Албатта Аллоҳ таоло илмни бирданига тортиб олмайди...» (Шайхон, Ат-Термизий, Ибн Можа ва Аҳмадлар ривояти).

В) Ҳукми: истилоҳдаги машҳур ҳадис ва тилларда машҳур бўлиб кетган ҳадисларнинг ҳаммасини саҳиҳ ёки саҳиҳ эмас, деб бўлмайди. Балки улар ичида «саҳиҳ» ҳам, «ҳасан» ҳам, «заиф» ҳам ва балки «мавзуъ» (тўқима) ҳадислар ҳам бўлиши мумкин. Зеро, саҳиҳ, деб топилган «машҳур» ҳадис албатта

«азиз» ва «ғариб» ҳадислардан таржеҳ (ортиқ, афзал, устун) қилинади.

Азиз ҳадис

А) Таърифи: у сифати мушаббаҳа бўлиб, –касрали келса, (қолла) ва (надара) озгина, кам учрайдиган, ноёб, нодир, деган маъноларда келади. Агар фатҳали бўлса, (қовия) ва (иштадда) кучли бўлди, қувватли бўлди, деган маъноларда келади. Бундай деб номланишлиги ё кам, нодир, ноёб топилганлигидан ёки бошқа йўллар билан қувватланиб келганлиги учун азиз ҳадис, деб номлангандир. Уламолар истилоҳида эса санад табақаларининг ҳаммасида иккитадан кам бўлмаган ровийлар ривоят қилган ҳадисга азиз ҳадис, деб аталади.

Б) Мисол: Шайхон Анас розияллоху анҳудан, Бухорий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан келтирилган ҳадисда шундай дейилади:

«Сизлардан бирортангиз комил мўмин бўла олмайди, токи мен ота-онасидан ва бола-чақасидан ва бутун инсонлардан кўра суюклироқ бўлмагунимча», деганлар Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам.

ғариб ҳадис

А) Таърифи: у сифати мушаббаҳа бўлиб, ёлғиз, қариндошлардан узок, деган маъноларда келади. Уламолар истилоҳида эса ривояти битта ровий билан ёлғизланиб қолган ҳадисга айтилади.

Б) ғариб ҳадис ёлғизланиши ўрнига қараб икки қисмга тақсимланади:

1) «Ал-ғариб ал-мутлақ», 2) «Ал-ғариб ан-нисбий».

1) «Ал-ғариб ал-мутлақ» – санаднинг аслида ғаробат бўлса, яъни санаднинг асли битта шахс билан ёлғизланиб келган бўлса, «Ал-ғариб ал-мутлақ», дейилади. Мисол:

Маъноси: «Албатта амаллар ниятга боғлиқдир». Ривоят Умар бин ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу билан ёлғизланган. Бу ҳолат санаднинг охиригача етиб борган, албатта.

2) «Ал-ғариб ан-нисбий» – санаднинг асносида ғарибликнинг топилиши, яъни асли санадда бир кишидан кўпроқ ровий ривоят қилиб, кейин бир ровийга ёлғизланиб қолган бўлса, «Ал-ғариб ан-нисбий», дейилади.

Мисол:

Молик Зухрийдан, Зухрий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтади: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага кириб келган вақтда бошларида дубулғалари бор эди». Ривоят Молик Зухрийдан ривоят қилиб ёлғизланиб қолган. Муайян шахсга нисбатан ривоят ёлғизланиб қолганлиги учун «ал-ғариб ан-нисбий», деб номланган.

Мавзу бўйича таянч сўзлар (истилоҳий терминлар): мутавотир, оҳод, машхур, азиз, ғариб.

III мавзу: Мақбул хабарлар

1. «Саҳиҳ» – таърифи, шарти, ҳукми, мисоли, биринчи саҳиҳ ҳадислар тўғрисида ёзилган китоблар.

2. «Ҳасан» – таърифи, мартабаси, ҳукми, мисоли, ҳасан ҳадислар тўғрисида ёзилган китоблар.

3. «Ас-Саҳиҳ лиғойриҳи» – таърифи, мартабаси, мисоли.

4. «Ал-Ҳасан лиғойриҳи» – таърифи, мартабаси, мисоли.

Оҳод хабар қувватли ёки заифлигига нисбатан икки қисмга бўлинади:

1. – «Ал-Мақбул» – хабар келтирувчининг сидқи рожиҳ, деб топилган хабарига мақбул хабар, дейилади.

Ҳукми: ҳужжат олиш ва амал қилиш вожибдир.

2. – «Ал-Мардуд» – хабар келтирувчининг сидқи рожиҳ, деб топилмаган хабарига мардуд хабар, дейилади.

Ҳукми: ҳужжат олинмайди ва амал қилиш вожиб бўлмайди.

Мақбул хабарлар ўрин ва мартабаларининг ҳар хил бўлишлигига нисбатан иккита катта қисмга бўлинади. Улар:

1. – «Саҳиҳ»

2. – «Ҳасан»

Бу иккиси ўз навбатида яна икки қисмга бўлинади:

1. – «Лизатиҳи»

2. – «Лиғойриҳи»

Саҳиҳ ҳадис

А) Таърифи: луғатда у касалнинг зидди бўлиб, жисмларда ҳақиқий, ҳадис ва бошқа ўринларда мажозий маънода ишлатилади. Уламолар истилоҳида:

Зеҳни ўткир, одил кишилар нақл қилиб, санади бошидан то охиригача бир-бирига муттасил ёпишиб келса, ўзидан ишончли ривоятга зидлик ва иллат топилмаган ҳадис саҳиҳ ҳадис, дейилади.

Б) Шартлари: саҳиҳ ҳадис шартлари бешта ва улар тўлиқ топилгандагина ҳадис саҳиҳ бўлади. Улар қуйидагилар:

1. – «Иттисолус санад»;

2. – «Адалатур рувот»;

3. – «Забтур рувот»;

4. – «Адамул иллат»;

5. – «Адамуш шузуз»;

Иттисолус санад – санаднинг бир-бирига муттасил ёпишиб келишлиги, яъни ривоятдаги ҳар бир ровий санаднинг аввалидан то охиригача ўзидан юқори тепадаги ровийдан хабарни юзма-юз олган бўлишлиги.

Адалатур рувот – ровийнинг адолатли бўлишлиги, яъни ривоятдаги ҳар бир ровий мусулмон, балоғат ёшига етган, ақлли ва тақводор бўлиб, фосиқ ва мурувватсизлик, бепарволик ҳисобланадиган ишларга йўл қўймаган бўлишлиги.

Забтур рувот – ровийнинг зобитли бўлишлиги, яъни ровий ўзи ривоят қилган ҳадисни ғоят маҳкам ушлаши лозим, деганидир. Бу эса икки йўл билан ҳосил бўлади:

Биринчиси, хоҳлаган вақтда ҳадисни аниқ ва равшан, бир хилда айтиб бера олиши керак.

Иккинчиси, ҳадисни турли камчиликлардан сақлаган бўлиши керак.

Адамул иллат – ҳадиснинг иллатли бўлмаслиги. Иллат, дегани у бир сабаб бўлиб, кўзга кўринмайдиган махфийдир, ҳадиснинг саҳиҳлигига путур етказувчи бўлса-да, ҳадиснинг зоҳирий кўриниши соғ-саломат бўлишлиги.

Адамуш шузуз – ҳадис шозз ҳадис бўлмаслиги. Шозз, дегани ишончли ривоят ўзидан кўра ишончлироқ ривоятга хилоф келишидир.

В) Ҳукми: ҳадис уламоларининг ижмоларига биноан унга амал қилиш вожиб. Бунга усул ва фикҳ уламолари ҳам қўшилганлар. У шариат ҳужжатларидан биридир. Мусулмон киши унга амал қилмаслиги дуруст бўлмайди.

Г) Мисол:

Бухорий машҳур «Жомиъус-Саҳиҳ» китобларида келтирган бир ҳадисни қуйидагича баён қиладилар: «Бизга Абдуллоҳ бин Юсуф ушбу ҳадисни айтди. У бизга Молик хабар берди, деган, у эса Ибн Шихобдан эшитган. У Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъимдан, у отасидан эшитган экан. Жубайр ибн Мутъим Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан қуйидагиларни эшитдим, дейди: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шом намозида «Тур» сурасини ўқидилар». Бу ҳадис саҳиҳдир. Чунки:

а) санади муттасил, зеро ривоятдаги ҳар бир ровий ўз шайхларидан эшитиб ривоят қиляпти. Аммо Молик ҳамда Ибн Шиҳоб ва Ибн Жубайрлар ўрталаридаги – «ъан», - «ъан» деб боғланаётганлигини муттасил боғлиқ, деб ҳамл қилинади, чунки улар ёлғончи (мудаллис)лардан эмаслар;

б) «Жарҳ ва таъдил» уламолари наздларида ровийлар адолатли ва ўта зобтли кишилардир.

в) 1. – Абдуллоҳ бин Юсуф – сиқа (ишончли) ва мохир киши.

2. – Молик ибн Анас – имом, ҳофиз.

3. – Ибн Шиҳоб аз-Зухрий – фақиҳ, ҳофиз, унинг мохирлиги ва улуғлигига иттифоқ қилинган.

4. – Муҳаммад бин Жубайр – сиқа (ишончли).

5. – Жубайр ибн Мутъим – саҳобий.

г) у «шозз» эмас – зеро, у ривоятга бошқа ўзидан кўра қувватлироқ ривоят келмаган.

д) унда бирор-бир иллат йўқ.

Д) Саҳиҳ ҳадисларни ўз ичига олган китобларнинг энг биринчиси – Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»лари ва иккинчи ўринда – Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» тўпламларидир. Бу икки китоб Қуръондан кейинги энг тўғри китоб саналади. Улардан кейин Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насайй ва Имом Ибн Можаларнинг «Сунан» китоблари туради. Ушбу китоблар «Сихаҳи ситта», яъни «олти саҳиҳ китоб» номи билан машҳурдир. Яна Молик бин Анаснинг «Ал-Муватто», Имом Аҳмад бин Ҳанбалнинг «Муснад», Имом Доримийнинг «Сунан», Имом Ҳокимнинг «Мустадрак ала саҳиҳайн», Имом Шофеъийнинг «Ум», Ибн Хузайманинг «Саҳиҳ», Ибн Ҳиббоннинг «Саҳиҳ»лари шулар жумласидандир.

Ҳасан ҳадис

А) Таърифи: у сифати мушаббаҳа бўлиб, «гўзал», «чиройли» маъноларида келади. Уламолар истилоҳида эса қуйидагича: хабар оҳод бўлиб, зеҳни ўткир, зобтли, одил кишилар нақл қилиб, санади муттасил бўлиб, иллатли ва шозз ҳадис бўлмаса, «саҳиҳ», деб атадик. Энди шу шартлардан бири бўлган – ровийнинг зобти сал пастроқ, енгил бўлса, ҳасан ҳадис, дейилади.

Б) Ҳукми: ҳужжат олишликда қувват жиҳатидан саҳиҳ ҳадисдан пастроқ бўлса ҳам, саҳиҳ ҳадис кабидир. Шунинг учун ҳамма фикҳ, усул ва ҳадис олимлари ундан ҳужжат олишган ва амал қилиб келмоқдалар.

В) Мисол:

Имом Термизий «Сунан» китоблари «Жиход фазилатлари» бобида келтирган бир ҳадисда қуйидагича баён қиладилар: «Бизга Қутайба ушбу ҳадисни айтди. Унга Жаъфар ибн Сулаймон аз-Зубаъий айтди. У Аби Имрон ал-Жавнийдан, у Абу Бакр ибн Аби Мусо ал-Ашъарийдан, Ал-Ашъарий душманга рубарў бўлганимда отамни шундай деганларини эшитдим. У киши айтдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Албатта жаннат эшиклари қиличлар сояси остидадир». Бу ҳадис ҳасан. Чунки исноддаги Жаъфар ибн Сулаймон аз-Зубаъийдан ташқари тўртта ровий сиқа. Шунинг учун ҳадис «саҳиҳ» мартабасидан «ҳасан» даражасига тушиб қолди.

Г) Уламолар фақат ҳасан ҳадисларни жамлаб, алоҳида китоблар тасниф қилмаганлар. Лекин қуйида ҳасан ҳадис кўп топишлик мумкин бўлган китобларнинг энг машҳурларини санаб ўтамиз. Улар:

1. – «Жомеъ ат-Термизий»,
2. – «Сунан Абу Довуд»,
3. – «Сунан Дора Қутний»,
«Ас-Саҳиҳ лиғойриҳи»

А) Таърифи: у аслида «ҳасан лизотиҳи» бўлиб, агар ўзидан қувватлироқ ёки ўзига ўхшаган бошқа йўл билан ривоят келса, «Саҳиҳ лиғойриҳи», деб аталади. Зеро, саҳиҳлик санаднинг зотидан эмас, балки унга бошқаси кўшилиши билан саҳиҳликга ўтди.

Б) Мартабаси: «Саҳиҳ лизотиҳи»дан паст, «Ҳасан лизотиҳи»дан юқори даражададир.

В) Мисол:

Муҳаммад ибн Амр Абу Саламадан, Абу Салама Абу Ҳурайрадан, Абу Ҳурайра Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар: «Агар умматимга машаққат бўлмаганида, ҳар намоздан олдин мисвок қилишга буюрган бўлардим». Бу ривоятни Имом Термизий «Таҳорат» китобида ва Имом Бухорий ҳамда Имом Муслимлар Абу аз-Зинод ривояти орқали, у Аърождан, у эса Абу Ҳурайрадан ривоят қилишган. Ибн ас-Салоҳ «Улумул ҳадис» китобларининг 31 – 32-саҳифаларида қуйидагиларни ёзганлар: «Муҳаммад ибн Амр ибн Алқома садоқат ва сиёнатда машҳурдирлар. Лекин итқон аҳлларидан эмаслар. Зеро, баъзи олимлар зеҳни енгил, деб унинг ривоятларини заиф, дейишса, яна баъзилар сидқ ва улуғликда ишончли, деб айтишган. Зобти енгиллик жиҳатидан унинг ҳадисини ҳасан, деб таърифлашган». Демак, шу ривоятга бошқа йўл билан келтирилган ҳадис кўшилса, биз кўрқиб турган жиҳат зобти енгиллиги зоил – бекор бўлади ва кичик бир нуқсон тузатилади. Бу иснод саҳиҳга айланади ва саҳиҳлик даражасига кўтарилади.

«Ал-Ҳасан лиғойриҳи»

А) Таърифи: у аслида «заиф» ҳадис бўлиб, агар ривоят йўллари кўпайса ва заифлик сабаби ровийнинг фосиқлиги ёки ёлғончилиги бўлмаса, у ҳолда бу ҳадис «ҳасан лиғойриҳи», дейилади. Бу таърифдан маълум бўладики, «заиф» қуйидаги

икки иш билан «ҳасан лиғойриҳи» даражасига кўтарилган.
Улар:

1) Ўзига ўхшаш ёки ўзидан қувватлироқ бўлган ривоят бошқа йўллар орқали ривоят қилинса;

2) Ҳадиснинг заифлик сабаби ё ёдлаш ҳифзининг ёмонлиги, ё санадда узилиш борлиги, ё ровийларнинг номаълумлиги бўлса;

Б) Мартабаси: «ҳасан лиғойриҳи» «ҳасан лизотиҳи»дан паст рутбададир.

В) Ҳукми: у мақбул хабарлардан ундан ҳужжат қилинади.

Г) Мисол:

Имом Термизий «Сунан» китобларида келтирган бир ҳадисда қуйидагиларни баён қиладилар: «Шуъба ривояти орқали у Осим бин Убайдуллоҳдан, у эса Абдуллоҳ бин Амр ибн Робиъадан, у отасидан айтади: «Бани Фазара қабиласидан бир аёл бир жуфт кавуш эвазига турмушга чиқди. Шунда Расуллулоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жонингни ва молингни шу оёқ кийимига рози бўлдингми?» деб сўрадилар. У аёл: «Ҳа», деб жавоб қилди. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам жоиз билдилар». Термизий бу бобда яна ҳазрати Умардан, Абу Ҳурайрадан ва Ойша розияллоҳу анҳудан шунга ўхшаш ривоят келган, дедилар. Бу ҳадис ривоятдаги Осимнинг зеҳни, ҳифзи ёмонлигидан заиф. Имом Термизий бошқа йўллар билан келган ривоятлар орқали ҳасан ҳадис даражасига кўтарганлар.

Терминлар: мақбул, саҳиҳ, ҳасан, лиғойриҳи, адл, зобт, иттисол, шозз ва иллат.

IV мавзу: Мақбул хабарларнинг амал қилинадиган ва амал қилинмайдиганга тақсими

1. «Муҳкам» ҳадис – таърифи ва мисоли.

2. «Мухталифул ҳадис» — таърифи, мисоли, жам қилиш кайфияти, бу тўғрида ёзилган энг машҳур китоблар.

3. «Носих ва мансух» — ҳадислар таърифи, «мансух» ҳадисдан «носих»ни ажратиш қоидалари, энг машҳур ёзилган асарлар.

Мақбул хабарлар икки қисмга тақсимланади:

1. Амал қилинадиган ҳадислар.

2. Амал қилинмайдиган ҳадислар.

«Улумул-ҳадис» фанида бу икки тақсим икки навга бўлиб ўрганилади. Улар: «Ал-Муҳкам» ва «Мухталиф ал-Ҳадис» ҳамда «Ан-Носих» ва «Ал-Мансух».

«Муҳкам» ҳадис

А) Таърифи: луғатда «>» – «аҳкама» феълидан исм мафъул бўлиб, ишончли, деган маънода ишлатилади. Фан истилоҳида эса мақбул ҳадис бўлиб, ўзига баробар келадиган бирор зид қарши ҳадисдан саломат бўлган ҳадисдир. Соддароқ қилиб айтганда, саҳиҳ, деб ҳукм қилинган ишончли ҳадисларга айтилади. Ҳадисларнинг кўпи шу навдандир.

Б) Мисол: «Ислом беш нарсага бино қилингандир...»

«Мухталифул ҳадис»

А) Таърифи: луғатда «>» «ихтилоф» калимасидан исм фоил бўлиб, «иттифоқ»сўзининг зидди, маъноси бизгача етиб келган. Аммо маъно жиҳатдан бир-бирига зид икки ҳадис тушунилади. Уламолар истилоҳида эса ўрталарини жам қилиш имкони бўлган иккита бир-бирига маъно жиҳатидан қарама-қарши мақбул ҳадисга айтилади. Яъни, бир-бирига қарши маънолари бор ҳадислар.

Б) Мисол:

Имом Муслим ривоят қилиб айтган «Касал юқиш ва қуш учириб фол очиш йўқ» ҳадиси билан Имом Бухорий ривоят

қилган «Шердан қочганинг каби моховдан ҳам қоч» ҳадисларини олайлик. Бу икки ҳадис саҳиҳ. Аммо маъно жиҳатидан бир-бирига зид. Чунки биринчи ҳадисда «касал юқиш» нафий қилинса, иккинчисида исбот қилиняпти. Уламолар бу икки ҳадиснинг ўртасини мувофиқлаштириб жамлаганлар.

В) Жам қилиш кайфияти

Касал юқиш йўқ, деганлар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисларини далил қилганлар: «»), яъни «Нарса нарсага кўчмайди». Ушбу ҳадисни Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривоят қилганлар. Бу фикрга қарши чиққанларга яна бир фикрни айтадилар. У қуйидагича: тажриба юзасидан битта кўтир туяни соғлом туялар орасига кўшиб кўйишган. Хўш, аввалги кўтир туяга кўтирлик кимдан юққан?! Яъни, Аллоҳ таоло шу касални биринчи туяда қандай пайдо қилган бўлса, кейингисига ҳам худди шундай пайдо қилган, лекин «Мохов касалидан қоч», деганлари зарарни тўсиш, олдини олиш бобидандир. Гўё киши мохов касали бор инсон билан аралашиб юрса-ю, унда ҳам бу хасталик пайдо бўлиб қолса, бу Аллоҳ таолонинг тақдирида, қазои қадарида битилган бўлади. Юқиб қолган эмас! Шунда киши аралашиб юрганим учун пайдо бўлди, деб гумон қилса, юқиш бор, деб эътиқод қилган бўлади. Бу билан у гуноҳкор ҳисобланади. Моховдан узоқлашувнинг боиси ҳам мана шунда. Бу гуноҳга воқеъ бўладиган эътиқодга бориб қолмаслик учун айтилгандир.

Г) Бир-бирига зид иккита қарама-қарши мақбул ҳадисни топган киши қуйидаги марҳалаларга эргашмоқлиги вожиб бўлади. Улар:

1. Жам қилиш имкони бўлса, жам қилинади ва иккисига ҳам амал қилиш вожиб бўлади. Агар жам қилишнинг имкони бўлмаса, кейинги (қуйида келадиган) ишларга риоя қилинади.

2. «Носих» ажратилади, носихга амал қилиб, мансухи тарк қилинади.

3. Рожих – бири иккинчисига «таржих» қилинади, таржих қилиш йўллари элликка яқин. Сўнг «рожих»га амал қилинади.

4. Агар бирини иккинчисига «рожих» қилишнинг имкони бўлмаса (ундайлар жуда нодирдир, кам учрайди), унда ҳар икки ҳадисга амал қилишлик тўхтатилади. То рожиҳи ошкор бўлгунча.

Бу соҳа «Улумул ҳадис» илмлари ичида энг муҳими ва аҳамиятлисидир. Зеро, барча уламолар уни билиши зарур. Шунда киши ҳадис, фикҳ, усул илмларини чуқур биладиган, ҳатто нозик, дақиқ маъноларини ҳам англаб етадиган комил олим бўлади.

Д) Бу илм тўғрисида ёзилган энг машҳур китоблар:

1. – «Ихтилофул ҳадис», Имом Шофеъий.
2. – «Таъвил мухталафил ҳадис», Ибн Қутайба.
3. – «Мушкул осар», Имоми Таҳовий.

Носих ва мансух ҳадислар

А) Таърифи: луғатда икки хил маъноси бор:

1. – «Ал-Изалату» – кетказмоқ, ўчирмоқ. – «Қуёш сояни кетказди», дейилади.

2. – «Ан-Нақл» – нақл қилмоқ, кўчирмоқ. – «Китобни кўчирдим», деган маънода. Гўё носих мансухни мутлоқ кетказди ё бошқа ҳукмга кўчиради. Уламолар истилоҳида эса шориъ шаръий далил билан собит бўлган бир ҳукмни ўша далилдан кейин келган бошқа бир шаръий далил билан кучдан қолдириш ва амали тўхтатишига «насх», дейилади.

Б) Ҳадиси шарифларнинг носих ва мансухини билиш жуда ҳам муҳим. Уламоларимиз бунга катта аҳамият беришган. Бу илмда пешқадам ва қўллари узун бўлган энг машҳур олим Имом Шофеъий раҳматуллоҳу алайҳ бўлганлар.

В) Носих мансухдан қуйидаги ишлардан бири орқали ажратилади:

1. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг очик ишоралари билан. Мисол, Имом Муслим «Саҳиҳ»ларида Бурайда (р. а.)дан ривоят қиладилар. Унда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен сизларни қабрларнинг зиёратидан қайтарган эдим. Бас, энди зиёрат қилаверинглар. Чунки қабр зиёрати охиратни эслатади», деганлар.

2. Саҳобийнинг сўзи орқали. Мисол, «Сунан» ёзган имомлар ўз китобларида Жобир ибн Абдуллоҳнинг ушбу сўзларини баён қилганлар. Унда шундай дейилади: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги икки ишларидан бири – олов теккан нарсадан таҳоратни тарк қилмоқлари», яъни оловда пишган нарсадан еб, таҳорат олмаганлар.

3. Тарихни билишлик орқали. Мисол, Абу Довуд «Сунан» китобларида Шаддод ибн Авсдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қон олдириш ва қон қуйдириш рўзани бузади», деганлар. Имом Муслим «Саҳиҳ» китобларида Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан келтирган «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам эҳромда ва рўзадор ҳолатларида қон олдирдилар», деган ривоят билан «насх» қилинади. Сабаби Шаддоддан ривоят қилинган ҳадис Фатҳи Маккада, Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадис эса ҳажжатул вадодо айтилгандир.

Г) Бу тўғрисида ёзилган энг машҳур китоблар:

1) Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хазалийнинг «Ал-Эътибор фи ан-Носих ва ал-Мансух мин ал-асар» номли китоби.

2) Имом Аҳмаднинг «Ан-Носих вал мансух» китоби.

3) Ибн ал-Жавзийнинг «Тажрид ал-ҳадис ал-мансуха» номли китоби.

Терминлар: муҳкам, муҳталафул ҳадис, носих ва мансух, таржиҳ.

V мавзу: Мардуд (Рад қилинган) хабарлар

1. «Мардуд хабар» – таърифи, мисоли, навлари, рад бўлиш сабаблари.
2. «Заиф ҳадис» – таърифи, мисоли, ривоят қилиш ва унга амал қилиш ҳукми.
3. «Мардуд хабар»нинг ривоят санадидан тушиб қолиш сабабидан рад қилиниши, навлари.
4. «Ал-Муъаллақ» ҳадис – таърифи, кайфияти, ҳукми, мисоли, «Саҳихайн»да келган «муъаллақ» ҳадислар ҳукми.
5. «Ал-Мурсал» ҳадис – таърифи, ҳукми, мисоли, бу тўғрида ёзилган китоблар.
6. «Ал-Муъзал» ҳадис ва «Ал-Мунқатеъ» ҳадис – таърифи, мисоли, ҳукми.
7. «Ал-Мудаллас» ҳадис – таърифи, қисмлари, мисоли, ҳукми.
8. «Ал-Мурсал ал-Хафий» ҳадис – таърифи, мисоли, ҳукми.
9. «Ал-Муъанъан» ва «ал-Муаннан» ҳадислар – таърифи, мисоли, ҳукми.

«Мардуд хабар», деб хабар келтирувчининг сидқи рожих, деб аниқланмаган хабарига айтилади, яъни «саҳих» баҳсида айтиб ўтилган мақбул хабарнинг шартларидан биттаси ё ундан кўпининг тушиб қолишидир. «Мардуд хабар» 40 дан зиёд навларга бўлиниб кетган, аммо ҳадиснинг рад бўлиш сабаблари ҳам кўп. Лекин ҳаммаси умумий икки катта сабабга келиб тўхтайтиди:

1. – «Сақтун минал иснод», яъни исноддан ровийнинг тушиб қолиши.
 2. – «Таънун фир-ровий», яъни ровийдаги таъна, нуқсон, жароҳат.
- «Заиф» мардуд навларига умумий исм бўлиб ишлатилганлиги учун аввал заиф ҳадис баҳсидан бошлаймиз.

Заиф ҳадис

А) Таърифи: луғатда қовий, кучли сўзининг аксидир. Заиф ҳиссий ва маънавий бўлади. Бу жойда маънавий заифликдир.

Уламолар истилоҳида:

У ҳасан ҳадиснинг сифатлари жамланмаган хабардир. Унинг шартларидан бири тушиб қолган бўлади.

Байқуний ўзларининг шеърларида айтади:

«Ҳар бир ҳасаннинг мартабасидан пасти у «заиф»дир ва унинг қисмлари кўпдир».

Б) Мисол: Имом Термизий «Ҳаким ал-Асрам» йўли билан Абу Тамима ал-Ҳужаймийдан, у эса Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан, у киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Ким ҳайз кўрган аёлга ё аёлнинг орқа авратига жинсий яқинлик қилса, ё қоҳинга борса, Муҳаммадга нозил қилинган нарсага куфр келтирибди». Термизий ҳазратлари бу ҳадисни келтирганларидан кейин айтадиларки: «Бу ҳадисни биз фақат Ҳаким ал-Асрамдан, у Абу Тамима ал-Ҳужаймийдан, у эса Абу Ҳурайрадан ривоят қилганини биламиз». Имом Бухорий эса бу ҳадисни заиф, деганлар. Чунки иснодда Ҳаким ал-Асрам бор. Уламолар ҳам заиф, деб қабул қилганлар. Дарҳақиқат, Ҳофиз ибн Ҳажар «Тақриб ат-Таҳзиб» китобларида бунда заифлик бор, деганлар.

В) Ҳукми:

– «Заиф» ҳадисни ривоят қилиш ҳукми

Уламолар наздида уни ривояти жоиз. «Заиф» ҳадисларни ривоят қилиш учун қуйидаги икки шарт бўлиши керак:

1. Ақида масалаларига тегишли бўлмаслиги.

Мисол: Аллоҳ Таолонинг сифатлари.

2. Шаръий ҳукмларни баён қилишдан ҳаром ва ҳалолга тааллуқли бўлмаслиги. Яъни, заиф ҳадисларни панду насиҳат қилиш учун, ё тарғиб масалаларида, ё тарҳиб

(кўркитув)га доир қиссалар ва шуларга ўхшаш ўринларда ривоят қилиш мумкин.

Эслатма: агар бирор-бир ривоятни иснодсиз айтмоқчи бўлсангиз, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтди» деманг! Балки «Расулуллоҳдан шундай ривоят қилинади», ё «Бизга шундай етиб келди» денг, ё шунга ўхшаш эҳтимол лафзлар билан ривоят қилинг. Заифлигини билиб туриб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга қатъий нисбат берманг!

– Унга амал қилиш ҳукми

Уламолар заиф ҳадисларга амал қилиш тўғрисида ихтилоф қилганлар. Фазилатли амалларда унга амал қилиш мустаҳаб бўлади, дейишган жумҳур уламолари, лекин учта шарт билан:

1. Заифлиги ўта шиддатли бўлмаслиги.

2. Тахтида амал қилинадиган асл ҳадисга мос келишлиги.

3. Амал қилаётган вақтда собит, деб эмас, эҳтиётан, деб амал қилишлиги.

Г) Заиф ҳадислар тўғрисида ёзилган энг машҳур китоблар:

1. Заиф ҳадислар баён қилиб ёзилган китобларга Ибн Ҳиббон ва Заҳабийларнинг асарларини;

2. Хос заифларнинг навлари тасниф қилинган китобларга Абу Довуднинг «Ал-Маросим» ва Дора Қутнийнинг «Ал-Илал» китоблари номларини келтириш мумкин.

Мардуд хабарнинг ривоят санадидан тушиш сабабидан рад этилиши ва навлари

Исноддан тушиб қолиш дегани нима? Иснод силсиласидан бир ё ундан кўп ровийнинг қасддан ё қасдсиз ёки санадининг аввалидан ё охиридан ёки ўртасидан ёхуд ошкор ё махфий тушиб қолишига айтилади.

Навлари: исноддан ровийларнинг тушиб қолиши зоҳир ёки махфий ҳолатига қараб икки навга навланади:

1. – «Сақтун зоҳирун» – зоҳир тушиш.
2. – «Сақтун хафийюн» – махфий тушиш.

«Зоҳирий тушиб қолиш» – бу навни ҳадис илмлари билан шуғулланган олимлар биладилар, яъни ровий билан шайхининг ўртасида бир-бирларини кўрмаганлигини аниқлаб билинади. Улар бир асрда яшамаганликлари ёки бир асрда яшаган бўлсалар-да, ижозат ёки «Вижда» бўлмаганлигидан содир бўлади. Шунинг учун олимга санадлардаги ровийларнинг тарихини билмоқлик, у қаерда туғилган, қаерда вафот этган, қаерда илм ўрганган, қаерларга сафар қилган ва ҳоказоларни ўрганмоқлик лозим бўлади.

Ҳадис уламолари «зоҳирий тушиб қолиш»ликни тушиш макони ўрни ёки тушиб қолган ровийларнинг ададларига кўра, тўртта алоҳида истилоҳ – атама билан номлаганлар, улар:

- 1) – «Ал-Муъаллақ»;
- 2) – «Ал-Мурсал»;
- 3) – «Ал-Мўъзал»;
- 4) – «Ал-Мунқотей».

«Махфий тушиб қолиш» – буни идрок этиш фақат ҳадис йўллари жуда чуқур эгаллаган ва санад иллатларини яхши билган олимларгагина хос. Уни икки ном билан номлашган, улар:

1. – «Ал-Мудаллас»
 2. – «Ал-Мурсал ал-хафий»
- «Муъаллақ ҳадис»

А) Таърифи: у «» – «алақа» феълидан исми мафъул бўлиб, «осиб қўйилган» ёки «боғлаб қўйилган» маъносида келади. Бундай номланишга санаднинг юқори томони муттасил бўлиб, паст жиҳати узилганлиги сабаб бўлади. Гўё шифтга осилиб турган нарсага ўхшаб қолганлигидан шундай деб номланган. Уламолар истилоҳида эса:

Исноднинг бошидан бир ё ундан кўп ровийнинг кетма-кет тушиб қолишига айтилади.

Б) Мисол:

Имом Бухорий «Саҳиҳ» китобларидаги «Намоз китоби»да (1-жилд 90-бет) «Фаҳз» тўғрисида зикр қилинган бобнинг муқаддимасида ушбу ҳадиси ривоят қилганлар. Унда Абу Мусо розияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу кириб келган пайтда тиззаларини ўраб ёпиб олдилар». Бу ҳадис «муъаллақ», чунки Бухорий ҳамма исноддаги ровийларни ҳазф қилиб, тўғри саҳобийга боғлади.

В) Ҳукми: «Муъаллақ» ҳадис мардуддир. Чунки унда мақбул шартларидан бири бўлган санаднинг муттасиллиги йўқолган, шу билан биргаликда ҳазф қилинган иснод биттами ёки кўп, уларнинг ҳоли бизга маълум эмас.

Г) «Саҳиҳайн»да келган «Муъаллақ» ҳадис ҳукми хос – алоҳидадир. Агар ҳадис «жазм» (қатъий) сийғада зикр қилинган бўлса, «Қола» – «айтди», «Закара» – «зикр қилди», «Ҳака» – «ҳикоя қилди» иборалари билан келади, буларнинг ҳукми – унга изофа қилинган ҳадис «Саҳиҳ»дир. Агар «тамриз» (касал) сийғада зикр қилинган бўлса, «Қийла» – «айтилди», «Зукира» – «зикр қилинди», «Ҳукия» – «ҳикоя қилинди» иборалари қўлланилади, унда унга изофа ривоят ҳукми «Саҳиҳ» эмас, балки уларнинг ичида «Саҳиҳ» ҳам, «Ҳасан» ҳам, «Заиф» ҳадислар ҳам бор. Аммо бўш, асоссиз ҳадислар топилмайди. Уламолар Имом Бухорий «Саҳиҳ»ларида келган «Муъаллақ» ҳадисларни «Муттасил», деб айтишган.

«Мурсал» ҳадис

А) Таърифи: луғатда – «арсала» феълидан исми мафъул бўлиб, «атлақа» – «ташлади», «бўш қўйиб юборди»

маъноларида келади. Гўё мурсил иснодни маъруф ровийга боғламай, бўш қўйиб юборган. Уламолар истилоҳида эса:

«Исноднинг охиридан, тобеъиндан кейинги кишининг тушиб қолиши»га айтилади. Тобеъин, деб саҳоба билан мусулмон бўлиб учрашиб, Исломда вафот этган кишига айтилади.

Б) Мисол:

Имом Муслим «Саҳиҳ»ларининг «Байъ» китобида қуйидагиларни баён қиладилар: «Менга Муҳаммад ибн Рофеъ ушбу ҳадисни айтди. У Хужайиндан, у Лайсдан, у Уқайлдан, у эса Ибн Шиҳобдан, у Саъид ибн ал-Мусаййибдан, у Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бировнинг харидорини олиб қўйишдан қайтардилар». Саъид ибн ал-Мусаййиб катта тобеъинлардан. У ўзи билан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўрталаридаги воситачини зикр қилмасдан бу ҳадисни ривоят қилдилар. Тобеъиндан кейинги охириги иснод тушиб қолди.

В) Ҳукми: «Мурсал» ҳадис аслида заиф мардуд. Қабул шартларидан бири бўлган санаднинг муттасиллиги йўқлиги, маҳзуф ровийнинг ҳоли номаълумлиги учун ҳам шу ҳукм қабул қилинган. Шу билан биргаликда тушиб қолдирилган санад саҳобий бўлмаслиги ҳам мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, заиф, деб номланади.

Лекин «Мурсал» ҳадис ҳукми ва ҳужжат қилиш тўғрисида муҳаддис ва бошқа олимлар ихтилоф қилишган. Чунки бу «Мунқотеъ» навларидандир. Зеро, санаднинг охирида тушиб қолган киши тўғрисида ихтилоф бор. Охирида тушиб қолган киши кўпинча саҳобий бўлади. Саҳобаларнинг ҳаммалари одил кишилар. Кимлардир уларнинг аниқ бўлмаганлигининг зарари йўқ, дейишган. Баъзилар саҳобий бўлмаслиги мумкин,

деб айтишган. Уламоларнинг «Мурсал» ҳадис тўғрисидаги сўзларини уч қавлга мужмал қилиб келтирса бўлади, улар:

1. – «Заиф мардуд». Жумхур муҳаддислар, аксар усул ва фикҳ олимлари уларнинг ҳужжатлари тушиб қолган ровийнинг ҳоли маълум ва у саҳобий бўлмаслиги эҳтимол, дейишган.

2. – Саҳиҳ ҳужжат қилинади. Бу учта имом – Абу Ҳанифа, Молик ва Аҳмад розияллоҳу анҳу наздларидадир. Уларнинг ҳужжат қилиб келтиришларича, албатта тобеъин ишончли киши, у ҳеч қачон сиқа (ишончли) кишилардан эшитмай туриб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, демайди. Бу ҳеч-ҳеч мумкин эмас, дейишади.

3. – Шартлар билан қабул қилинади. Яъни, Имом Шофеъий ва баъзи аҳли илмлар наздларида шартлар билан саҳиҳ дуруст бўлади. Бу шартлар 4 та бўлиб, 3 таси мурсил ровийга тегишли ва биттаси мурсал ҳадисга тегишли. Қуйида ўша шартларни баён қиламиз:

1. Мурсил кибор тобеъинлардан бўлмоқлиги.

2. Ишончли, деб номланган кишидан ирсол қилинишлиги.

3. Ишончли имомлар иштирок этган бўлса, уларга хилоф чиқмаслиги.

4. Ушбу шартлар топилишлиги билан бирга қуйидагиларни ҳам ўз ичига олган бўлишлиги:

а) бошқа тарафдан ўзига ўхшаган ҳадис аввалги кишидан бошқа одамдан ривоят қилиниши;

б) муснад ҳолатда бошқа ривоятда ривоят қилиниши;

в) саҳобийнинг сўзига мувофиқ бўлиши;

г) кўп аҳли илмлар унинг тақозосига кўра фатво бериши;

Агар шу шартлар топилса, мурсал махражи саҳиҳлиги баён бўлади.

Г) Энг машҳур китоблар:

1) Абу Довуднинг «Ал-маросил»;

2) Абу Хотимнинг «Ал-маросил»;

3) Аллоийнинг «Жомеъ ат-тахсил ли аҳкам ал-маросил» китоблари.

«Мўъзал» ҳадис

А) Таърифи: луғатда исм мафъул бўлиб, «жуда қийин қилинган» маъносида келтирилган. Уламолар истилоҳида эса:

Исноддан икки ё ундан кўп ровийларнинг кетма-кет тушиб қолишига айтилади.

Б) Мисол:

Имом Ҳоким «Ҳадис илмларини билиш» китобида Қаънабийдан, у Моликдан, у Абу Ҳурайрадан, у Расулуллоҳдан саллаллоҳу алайҳи васаллам ривоят қиладилар. Унда: «Яхшилик билан едириш, кийдириш хўжайин учундир ва яна қўлидан келмайдиган ишга ҳам тақлиф қилинмайди», дейилган. Имом Ҳоким айтадилар: «Бу ҳадис мўъзал, чунки Молик билан Абу Ҳурайра ўрталарида иккита ровий кетма-кет тушириб қолдирилган. Биз буни бошқа ривоятда келган ҳадисдан билиб олдик. Унда Молик Муҳаммад ибн Ажлондан, у эса отасидан, отаси Абу Ҳурайрадан ушбу ҳадисни ривоят қилган.

В) Ҳукми: «Мўъзал» заиф ҳадис. У «мурсал» билан «мунқотеъ»дан ҳам ёмонроқ. Сабаби иснодда иккитадан кўп ровийнинг тушиб қолганлигидир. «Мўъзал» ҳадисга берилган уламолар ўртасида иттифоқ қилинган ҳукм шу.

«Мўъзал» ҳадис баъзи суратларда «муъаллақ» ҳадис билан бир хил кўринишда келади. Агар исноднинг аввалида иккита ровий кетма-кет тушиб қолса, шу ўринда бу ривоят ҳам муъаллақ, ҳам мўъзал ҳисобланади. Икки суратда алоҳида фарқланиб келади:

а) Агар исноднинг ўртасида иккита ровий кетма-кет ҳазф бўлса, у мўъзал ҳадис бўлади, муъаллақ ҳадис ҳисобланмайди.

б) Агар исноднинг аввалида битта ровий ҳазф бўлса, у муъаллақ ҳадис бўлади, мўъзал ҳадис ҳисобланмайди.

Г) «Мўъзал» ҳадис тўғрисидаги манбалар қуйидагилар:

1) Ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг «Кифоя» китоблари.

2) Саид ибн Мансурнинг «Сунан» китоблари.

3) Ибн Абу Дунёнинг «Муъаллафот» китоблари.

«Мунқотеъ» ҳадис

А) Таърифи: луғатда у исм фоил бўлиб, «иттисол»нинг зиддидир. Истилоҳда эса:

Қандай узилиш бўлишидан қатъий назар, исноди муттасил бўлмаган ҳадисга айтилади. Яъни, исноди муттасил бўлмаган муъаллақ, мурсал, мўъзал шартлари топилмаган ривоятдир. Бу уч сифатдан бошқа кўринишда узилиш пайдо бўлиб келган ривоятга «мунқотеъ», деб юритилади.

Б) Мисол:

Имом Ҳоким «Маърифат ал-улум ал-ҳадис» китобларида ушбу ривоятни келтирганлар. Ундаги Абдураззоқ Саврийдан, у Абу Исҳоқдан, у Зайд ибн Юсайъдан, у эса Хузайфадан марфуъ қилинган ҳадис қуйидагича: «Агар уни (ҳилофатни) Абу Бакрга топширсангиз, у кучли ва ишончлидир». Бу ривоятда Саврий билан Абу Исҳоқ ўрталарида Шарик деган ровий тушиб қолган. Чунки Саврий Абу Исҳоқдан бу ривоятни тўғридан-тўғри эшитмаган. У Шарикдан, Шарик Абу Исҳоқдан эшитган. Бу узилиш на «Мурсал»га, на «Муъаллақ»га, на «Мўъзал»га ўхшамайди. Балки у «Мунқотеъ»дир.

В) Ҳукми: уламолар «Мунқотеъ» ҳадис заиф, деб иттифоқ қилишган, ҳазф бўлган ровий номаълум бўлганлиги учун.

«Мудаллас» ҳадис

А) Таърифи: мудаллас «тадлис» феълидан исм мафъулдир. «Тадлис» луғатда «сотиб олувчидан нарсанинг

айбини яшириш», дегани. Аслида – «Ад-Далас» калимаси қомусда зулмат, қоронғулик, деган маънода келган. Гўё мудаллис ҳадисни танимоқчи бўлган кишига қоронғилаштириб қўяди. Уламолар истилоҳида эса:

Исноддаги айбни яшириш ва зоҳирини чиройли кўрсатишдир.

Б) Қисмлари: улар иккита катта қисмга тақсимланади:

1. «Тадлис ал-иснод». 2. «Тадлис аш-шуюх»

«Тадлис ал-иснод», деб ровий ўз устозидан эшитган баъзи ҳадисни ривоят қилади, сўнг эшитмаган ҳадисни эшитганлигини зикр қилмасдан ривоят қилган ҳадисга айтилади. Яъни, ровий ўз шайхидан баъзи эшитган ҳадисларни ривоят қилади, лекин тадлис қилаётган ҳадисни ўз шайхидан эшитмаган бўлиб, балки бошқа шайхдан эшитган бўлади. Ва ўша шайхни тушириб, эҳтимол лафзи билан ҳадисни ривоят қилади.

Мисол: Имом Ҳоким «Маърифат ал-улум ал-ҳадис» китобларида Али ибн Хашрам санади билан келтиришларича, Али ибн Хашрам айтади: «Бизга Ибн Уяйна айтди, у эса Зухрийдан ривоят қилади». Шунда Ибн Уяйнадан сўралдики: «Сиз Зухрийдан эшитганмисиз?» У: «Йўқ, Зухрийдан эшитган кишидан ҳам эшитган эмасман. Менга Абдураззоқ гапириб берди. У Маъмардан эшитган экан. Маъмар Зухрийдан эшитган», деди». Бу мисолда Ибн Уяйна ўзлари билан Зухрий ўрталаридаги икки ровийни тушириб қолдирганлар.

«Тадлис аш-Шуюх», деб ровий шайхидан ҳадисни эшитиб ривоят қилади, лекин устозини билдирмаслик учун унга бошқа исм ё куняси, ё насаби, ё бирор-бир маъруф бўлмаган сифатини айтиб, ҳадисни ривоят қилади.

Мисол:

Қори имомлардан бири Абу Бакр ибн Мужоҳид: «Абдуллоҳ ибн Аби Абдуллоҳ бизга гапириб берди», деди. Бу

билан Абу Бакр ибн Абу Довуд ас-Сижистонийни ирода қилган.

Ҳукми: «Тадлис ал-Иснод»ни кўп уламолар мазаммат қилиб, жуда макруҳ, дейишган. Энг кучли мазаммат қилганлардан Имом Шўъба розияллоху анҳу: «» – «Ат-Тадлис аху ал-кизб», яъни «Тадлис ёлғоннинг шериги», деган.

«Тадлис аш-Шуюҳ»нинг эса юқоридаги «Тадлис ал-иснод»дан кароҳияти сал енгилроқдир. Чунки мудаллис бирор-бир кишини тушириб кетгани йўқ. Кароҳият сабаби эса ривоятни зое қиляпти ва эшитувчига ривоятнинг англаш йўлини қийин қилиб қўйганлигидандир.

В) Мудаллис ривоятининг ҳукми қуйидагича: уламолар мудаллис ривоятини қабул қилиш тўғрисида ихтилоф қилганлар:

1. Эшитганлиги баён қилинса ҳам, мутлоқ рад этилади. Чунки тадлиснинг ўзи жарҳ, дейишган. (Бу сўз эътимодли эмас.)

2. Тафсилий (у саҳиҳроқ, тўғрироқ):

а) агар эшитганлиги аён бўлса, ривояти қабул қилинади;

б) агар эшитганлиги аён бўлмаса, ривояти қабул қилинмайди, яъни агар «» – «ъан» ё шунга ўхшаш сўз айтса, унинг ҳадиси қабул қилинмайди (Улум ул-ҳадис, 67-68 бетлар);

в) тадлиснинг қуйидаги икки ишнинг бири билан танилади:

1. Сўралган вақт мудаллиснинг ўзи хабар берганда. Мисол: юқоридаги Ибн Уяйнага ўхшаш.

2. Олимлардан бирортаси баҳс ва текширувлар орқали билган бўлса, шу ҳужжатга биноан.

Г) Энг машҳур тадлис ва мудаллислар ҳақида ёзилган китоблар қуйидагилар:

1. Хатиб ал-Бағдодий қаламига мансуб учта китоб: «Ат-Табйин ли асмои ал-мудаллисин» – бу китобда

мудаллисларнинг исмлари баён қилинган. Қолган икки китобларида тадлис навлари ҳақида зикр қилганлар.

2. Бурҳониддин ибн Халабийнинг «Ат-Табйин ли асмои ал-мудаллисин» китоблари.

3. Ҳофиз ибн Ҳажарнинг «Таърифу аҳл ат-Тақдис би маротиб ал-Мавсуфин бит-тадлис» китоблари.

«Ал-Мурсал ал-Хафий» ҳадис

А) Таърифи: луғатда – «Ал-Мурсал» исм мафъул бўлиб, «ташламоқ» маъносида келади, – «Ал-Хофий», ошкоранинг зиддидир. Уламолар истилоҳида эса:

Ровий ўзи учрашган ёки ҳамаср бўлган кишидан эшитмаган ҳадисни – «айтди» ё шунга ўхшаш эҳтимол лафз билан келтирган ривоятига айтилади.

Б) Мисол:

Ибн Можа «Сунан»ларининг «Жиход китоби»да Умар ибн Абдулазиздан ушбу ҳадисни келтирганлар. У эса Уқба ибн Омирдан марфуъ ҳадисни айтади: «Аллоҳ кўшиннинг кўриқчиларини раҳматига олсин». Имом Миззий «Ал-Атроф» китобларида Умар Уқба билан кўришмаган, деганлар.

В) Ҳукми: у заиф, чунки мунқотей навларидан бўлганлиги учун. Агар узилиб қолишлиги зоҳир бўлса, унинг ҳукми «Мунқотей»нинг ҳукмига ўтади.

Г) Бу бобдаги энг машҳур китоб:

«» – Ал-Хатиб Боғдодийнинг «Китоб ат-Тафсил ли мубҳам ал-Маросил» номли китобларидир.

«Ал-Муъанъан» ва «Ал-Муаннан» ҳадислар

Юқорида биз исноддан тушиб қолиш сабабидан мардуд бўлган хабарларнинг олтитаси билан танишиб чиқдик. Лекин «Ал-Муъанъан» ва «Ал-Муаннан» ҳадислар тўғрисида ихтилоф бор. Улар «Мунқотей»ми ёки «Муттасил»

навиданми? Исноддан тушиб қолиш мавжуд бўлганлигидан мардуднинг навларига қўшиб қўйилди.

А) «Ал-Муъанъан» таърифи: луғатда феълидан исми мафъул бўлиб, маъноси – «У -дан, -дан айтди», деганидир. Уламолар истилоҳида эса ровийнинг «фалончи – фалончидан», деган сўзига айтилади.

Б) Мисол:

Ибн Можа «Сунан» китобларида куйидагиларни айтган: «Бизга Усмон ибн Аби Шайба гапириб берди. У Муовия ибн Ҳишомдан, у Суфёндан, у Усома ибн Зайддан, Усома Усмон ибн Урвадан, у Урвадан, Урва эса Оишадан эшитган. Оиша онамиз айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта Аллоҳ ва фаришталари сафларнинг ўнг томонида турганларга саловот йўллаб туради», деганлар».

В) У муттасилми ё мунқотеъми? Уламолар икки қавлда ихтилоф қилишган:

1. «Муттасиллиги» маълум бўлмагунча у мунқотеъдир, дейилган.

2. «Саҳиҳ», унга амал қилинади, деб жумхур муҳаддислар, фикҳ ва усул олимлари айтганлар, фақат икки шарт билан: 1) Муанъин – Мудаллис бўлмасин. 2) Муъанъан – Муанъин билан учрашган бўлсин. Аммо баъзи олимлар булардан ташқари яна бошқа шартларни ҳам шарт қилишган. Улар:

- 1) Учрашганлиги собит бўлсин.
- 2) Узоқ вақт суҳбат қурган бўлсин.
- 3) У ривоятни аниқ ажрата билган бўлсин.

«Ал-Муаннан» ҳадис

А) Таъфири: луғатда «» – «аннана» калимасидан исм мафъул бўлиб, маъноси , деганидир. Истилоҳда:

Ровийнинг «Фалончи бизга фалончи айтганлигини гапириб берди», деган сўзига айтилади.

Б) Ҳукми:

1) Имом Аҳмад ва бир жамоа олимлар фикрича, муттасиллиги маълум бўлгунча «мунқотеъ»дир.

2) Жумҳур уламолари айтишича, «Муаннан» ҳам «Муъанъан» кабидир.

Агар юқоридаги шартлар топилса, саҳих, топилмаса, заиф мунқотеъ бўлади, деганлар.

Мавзу бўйича таянч иборалар (истилоҳий терминлар): мардуд, заиф, муъаллақ, мурсал, мўъзал, мунқотеъ, мудаллас, мурсал ал-хафий, муъанъан, муаннан.

VI мавзу: Мардуд хабарнинг ровийга етган таъна сабабидан рад бўлиши ва сабаблари

1. «Мавзуъ ҳадис» – таърифи, мисоли, мартабаси, ривоят қилиш ҳукми, «мавзуъ» ҳадис тўқиб чиқарганларнинг даъволари ва уларни ажратиб олиш кайфияти, бу тўғрида ёзилган машҳур китоблар.

2. «Матрук» ҳадис – таърифи, мисоли, мартабаси.

3. «Мункар» ҳадис – таърифи, мисоли, мартабаси. «Мункар» билан «Шозз» ҳадис ўртасидаги фарқ.

4. «Муъаллал» ҳадис – таърифи, шарти, бу илмни билиш аҳамияти, бу бобда ёзилган машҳур китоблар.

5. «Мурдаж» ҳадис – таърифи, шартлари, қисмлари, энг машҳур китоблар.

6. «Мақлуб» ҳадис – таърифи, шартлари, қисмлари, энг машҳур китоблар.

7. «Музтариб» ҳадис – таърифи, шартлари, қисмлари, энг машҳур китоблар.

8. «Мусахҳаф» ҳадис – таърифи, бу илмни билиш аҳамияти, қисмлари машҳур китоблар.

9. «Шозз» ҳадис – таърифи, мисоли, ҳукми.

10. «Ал-Жаҳалату бир ровий» ҳадиси – таърифи, навлари, сабаблари, мисоли, энг машҳур китоблар.

11. «Ал-Бидъат» ҳадиси – таърифи, навлари, мубтадиъ ривоятининг ҳукми.

12. «Суъул ҳифз» ҳадиси – таърифи, навлари, ривоятининг ҳукми.

«Мардуд» хабарларнинг ровийдаги таънаси, дегандан мурад ровийга тили билан жарҳ етказиш ва унинг адолати, зобти, ҳифзи, дини ҳақида сўз юритиш тушунилади. Ровийдаги таъна сабаблари тахминан 10 та нарсада – 5 таси ровийнинг адолатлигига оид, 5 таси ровийнинг зобтиги тааллуқлидир.

Адолатига тааллуқли бўлган таъна (жароҳатлар):

1. Ўлғончилиги.
2. Ёлғончилик билан тухматланиши.
3. Фосиқлиги.
4. Бидъатчилиги.
5. Жаҳолати (номаълумлиги).

Зобтига тааллуқли бўлган таъналар:

1. Кўп хатокорлиги.
2. Ҳифзининг ёмонлиги.
3. Хаёли паришонлиги.
4. Кўп гумон қилишлиги.
5. Ишончли ровийлар гапига тўғри келмаслиги.

Энди энг ёмони, энг шиддатлисидан бошлаб кетма-кет зикр қиламиз:

«Мавзуъ» ҳадис

Агар ровийдаги таъна сабаби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлғончилик бўлса, унинг ҳадиси «Мавзуъ», деб аталади.

А) Таърифи: луғатда исми мафъул бўлиб, «туширмоқ» маъносида келади. Уламолар истилоҳида:

У ёлғон, тўқилган, ясалган, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилган ҳадисга айтилади.

Б) Мартабаси: заиф ҳадисларнинг энг қабиҳ ва энг ёмонидир.

В) Уни ривоят қилиш ҳукми: уламолар айтишича, «Мавзуъ» ҳадислигини билган ҳар бир кишига уни ривоят қилиш ҳалол эмас. Аммо мавзуъ ҳадис эканини баён қилган бўлса, мумкин. Сўзимиз исботи учун Имом Муслим «Саҳиҳ»ларида келтирган бир ҳадисда Пайғамбаримиз шундай деганлар:

«Ким ёлғонлигини билиб туриб, менинг номимдан (ёлғон) ҳадис айтса, у ҳам ёлғончиларнинг биридир».

Г) «Мавзуъ» ҳадис қуйидаги нарсалар билан ажратилади:

1) «Мавзуъ» ҳадисни ажратиб олиш учун ҳадис тўқиган кишининг иқрор бўлиши билан. Худди Абу Исма Нух ибн Аби Марям Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан Қуръон сураларининг ҳар бири фазилати тўғрисида тўқиган ҳадислари тўқима эканлигига ўзи иқрор бўлгани каби.

2) Иқрор бўлиши манзилига тушириши билан. Мисол учун ровий бир шайхдан бир ҳадисни айтади. Шунда ундан у шайхнинг қаерда (қачон) туғилганлиги сўралади. Ровий шайхнинг туғилган йилидан олдинроқ санада вафот этганлигини айтади. Шундан бу ҳадис ўзи тўқиб чиқарган сўз экани билинади.

3) Ровийдаги қарина (белги) орқали. Мисол, ровий «Рофизия» шиа мазҳабида бўлиб, ҳадис эса «Аҳли байт»нинг фазилатлари тўғрисидаги ҳадис бўлса.

4) Ривоятдаги қарина орқали. Мисол, ҳадис ишончсиз лафзлар билан келган бўлиб, Қуръонга, суннатга ва ижмога хилоф бўлса.

Д) «Мавзуъ» ҳадис тўқиб чиқарувчиларнинг даъволари:

1) Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш учун – хайрли ишларга қизиқтирувчи ё мункар амаллардан кўрқитувчи ҳадисларни тўқиб чиққанлар. Улар ўзларини зоҳид ва

солиҳлармиз, деб нисбат берадилар. Ваҳоланки, улар мавзуъ тўқувчиларнинг энг ёмонларидир. Чунки уларнинг «Мавзуъ» ҳадисларини ишончли, деб инсонлар қабул қилиб оладилар. Мисол:

«Қорни оч одамга берилган бир лукма таом мингта жомеъ бино қилишдан афзал».

«Ким жума оқшом саримсоқ пиёз еса, бас, ўзини 70 куз жаҳаннам азобига ташлайверсин».

2) Мазҳабларга ёрдам бериш учун, яъни хусусан сиёсий фирқа тарафдорлари, худди «хавориж» ва «шиа»га ўхшаш. Булар ўзларининг йўллари кўллаб-қувватлаш учун турли «мавзуъ» ҳадисларни тўқиб чиқарганлар. Мисол учун шиа мазҳаби тарафдорлари томонидан айтилган ҳадис:

Маъноси: «Али башариятнинг энг яхшисидир, ким бунга шубҳа қилса, кофир бўлибди».

3) Ислом динига таъна етказиш учун. Зиндиқлар ошкора Исломга ҳийла қила олмаганларидан кейин жирканч йўлни танлаганлар. Шундайлардан бири Муҳаммад ибн Саъид аш-Шомий зиндиқлиги учун осиб ўлдирилган. У бир ривоятда Хумаиддан, у эса Анасдан бўлган марфуъ ҳадисда айтади:

Яъни: «Мен Пайғамбарларнинг хотамиман, мендан сўнг Пайғамбар йўқ, аммо Аллоҳ хоҳласа, бўлади», деб тўқиган. Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳга миннатлар бўлсинки, бу ҳадиснинг «Мавзуъ» эканлигини юқори даражадаги ҳадис билимдонлари баён қилиб беришган.

4) Раҳбар, ҳокимларга яқин бўлиши учун. Яъни, баъзи иймони заиф кишилар ҳокимларга яқинлашиш учун уларнинг қилаётган ишларига муносиб келадиган «Мавзуъ» ҳадисларни тўқиб чиқаришган. Масалан, ўиёс ибн Иброҳим ан-Нахаъий

ал-Куфий билан Амир ал-Мўъминин ал-Махдий ўрталарида бўлиб ўтган воқеа. Бир куни у Ал-Махдийнинг ҳузурига кирган вақтда Махдий кабутар ўйнаб ўтирган экан. Шунда ўиёс ибн Иброҳим Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ривоятни келтириб:

– «Мусобақа фақат мерганлик ё чопиш, ё от чоптириш, ё қанотлиларда мумкин», деди. Охирида келтирган «» – «қанотлилар» лафзи Махдий учун айтилди. Буни билгач, Махдий кабутарларни сўйишга амр этиб, «Мен шу сўзнинг қўшилиб қолишига сабабчи бўлдим», деган экан.

5) Касб қилиб олиш ё ризқ талабида. Масалан. қиссачилар инсонларга қиссаларини сўзлаб бериб, касб-тирикчилик қилишган. Яъни, ажойиб ва мароқли қиссаларни тўқиб айтишган вақтда эшитган инсонлар уларга пуллар беришган. Абу Саид ал-Мадоинийга ўхшаш кишилар шулар жумласидандир.

6) Шон-шуҳрат орттириш учун. Яъни, ҳадис шайхларининг бирорталари наздида топилмаган ғариб ҳадисларни келтириб, ҳадиснинг иснодларини «Қалб» алмаштириб айтади, эшитганларнинг унга рағбати ошади. Худди Ибн Аби Дихия ва Ҳаммод ан-Насибийларга ўхшаган кишилардек.

Е) Машҳур ёзилган китоблар:

1. Ибн Жавзийнинг «Китоб ал-Мавзуёт»;
2. Суютийнинг «Ал-Луали ал-маснуъа фий ал-аҳодис ал-мавзуъа»;
3. Ибн Арроқ ал-Канонийнинг «Танзиҳу аш-шариъа ал-марфуъа ёан ал-аҳодис аш-шаниъа ал-мавзуъа» номли китоблари.

«Матрук» ҳадис

Агар ривоятдаги таъна сабаби ровийни ёлғончи, деб туҳмат қилиниш бўлса, унинг ҳадиси «Ал-Матрук», деб аталади.

А) Таърифи: луғатда «Ат-Тарку»дан исми мафъул бўлиб, «туширилган» маъносида келади. Истилоҳда эса:

Иснодида ёлғончилик билан туҳматланган ровий келган ҳадисга айтилади.

Б) Мисол:

Амр ибн Шамр ал-Жуфъий ал-Куфий Жобирдан, у Абу Туфайлдан, у Али ва Аммор розияллоху анҳудан айтади: «Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам Бомдод намозида кунут ўқирдилар ва ташриқ такбирларини Арафа куни бомдоддан, ташриқ кунларининг охири аср намозида тугатардилар». Имом Насайй, Дорақутний ва бошқа имомлар Амр ибн Шамрдан келган ҳадислар «матрук» ҳадис, деганлар.

«Мункар» ҳадис

Агар ровийдаги таънанинг сабаби фосиқлиги ё кўп бепарволиги ёки кўп хатокорлиги бўлса, унинг ҳадиси «мункар», дейилади.

А) Таърифи: луғатда у «инкор» лафзидан исм мафъул бўлиб, иқрорнинг зиддидир. Уламолар истилоҳида эса иккита машҳур таъриф бор:

1. Иснодидаги ровийнинг ғалати кўп ёки ўта ғофил бўлган ё фосиқлиги зоҳир бўлган ҳадис.

2. Ишончли ровийнинг ривоятига хилоф келган заиф ровийнинг ривоятидир.

Б) Биринчи таърифга мисол:

Имом Насайй ва Ибн Можа ибн Зубайр Яҳё ибн Муҳаммад ибн Қайсдан, у эса Ҳишом ибн Урвадан, у отасидан, у Оиша розияллоху анҳудан ривоят қилган марфуъ ҳадисда: «Хурмонинг ғўрасини қуруқ хурмо билан бирга енглар. Зеро, одам боласи уни еса, шайтон ғазабланади», дейилган.

Иккинчи таърифга мисол:

Бу ривоятни Ибн Аби Ҳотим Хубаййиб ибн Ҳабиб аз-Зайёддан, у Абу Исҳоқдан, у Айзор ибн Хурайсдан, у Ибн Аббосдан, у Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи васалламдан айтадилар: «Ким намозни қоим қилса, закотни берса, ҳажга борса, рўза тутса ва меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйса, жаннатга киради». Абу Ҳотим бу ривоятни мункар, деганлар.

В) «Мункар» билан «Шозз» ҳадис ўртасидаги фарқ:

1) Мақбул бўлган ровийнинг ривояти ишончли кишиларнинг ривоятига зид келиши «Мункар» ҳадис, дейилади.

2) Мақбул бўлган ровийнинг ривояти ундан аълороқ ровийнинг ривоятига хилоф келган ҳадис «Шозз» ҳадис, деб айтилади.

3) Заиф бўлган ровийнинг ривояти ишончли кишиларнинг ривоятига зид келиши «Мункар», дейилади.

Бундан билинадикки, муҳолифлик шартларида иккиси бири-бирига шерикдек, аммо фарқи «Шозз» ҳадиснинг ривояти мақбул, «Мункар» ҳадиснинг ривояти эса заифдир.

Г) Мартабаси: заифлик жиҳатидан «Матрук» ҳадисдан кейинги рутбада туради.

«Муъаллал» ҳадис

Ровийдаги таъна сабаби ваҳм бўлса, унинг ҳадиси «Муъаллал», дейилади.

А) Таърифи: луғатда сарф қоидасидаги машҳур иллатланиш маъносидадир. Уломалар истилоҳида эса:

У шундай ҳадиски, зоҳири саломат, аммо унда бир иллат бўлиб, ҳадиснинг сихатига путур етказди. Шундай ҳадис «Муъаллал» ҳадис, дейилади.

Б) Уламолар наздида иллат бўлишлиги учун албатта иккита шарт топилиши керак:

- 1) Кўзга кўринмайдиган ўта махфий бўлиши.
- 2) Ҳадиснинг саҳиҳлигига путур етказувчи бўлиши.

Агар бу икки шартдан бири йўқолса, яъни иллат ошкор бўлса ё саҳиҳлигига путур етказувчи бўлмаса, уни истилоҳда иллат, деб номланмайди.

В) Ҳадис илмлари ичида энг нозиги ва улуғи – бу ҳадисларнинг иллатларини билишдир. Чунки ўта махфий, кўзга кўринмайдиган, зоҳир бўлмаган иллатни кашф қилиш ҳадис илмлари ичида чуқур илм ва билимдонлик талаб қилади. Шундай илм соҳибларидан Имом Аҳмад, Бухорий ва Дороқутнийларни келтириш мумкин.

Г) Машҳур ёзилган китоблар:

- 1) Имом Аҳмаднинг «Ал-Илал ва маърифатур-рижал»;
- 2) Имоми Термизийнинг «Ал-Илал ал-Кабир», «Ал-Илал ас-сағир»;
- 3) Дороқутнийнинг «Ал-Илал ал-варида фий ал-аҳадис ан-набавий» китобларидир.

«Ал-Мудраж» ҳадис

Агар ровийга етган таъна сабаби ишончли ровийлар гапига тўғри келмаслик бўлса, «Ал-муҳолифату лис-сиқат», дейилади. У ўз навбатида беш навга бўлинади. Улардан биринчиси «Ал-Мудраж»дир.

А) Таърифи: «» – «адрожту» феълидан исми мафъул бўлиб, нарсани нарсага киргизиб юбормоқ, деган маънодадир. Уламолар истилоҳида эса:

Исноднинг сиёқи (йўналиши) ўзгартирилса ёки матнга бирор-бир фосиласиз ундан бўлмаган нарсани киргизишга айтилади.

Б) Қисмлари:

1) Мудраж ал-иснод;

2) Мудраж ал-матн;

1) Мудраж ал-иснод, деб исноднинг сиёқи ўзгаришига айтилади. Яъни, ровий иснодни йўналтираётган вақтда сўзнинг ўртасида ўзи томонидан бир сўз айтади. Шунда эшитувчи бу сўз ҳам шу санадан экан, деб гумон қилиб қолади ва ундан худди шундай ривоят қилиб юборади.

Мисол, Собит ибн Мусо аз-Зоҳид: «Ким кечқурун намозни кўп ўқиса, кундузи унинг юзи чиройли бўлади», деган. Имом ибн Можа бу ривоятни «Қиём ал-Лайл» бобида келтирган. Асли қисса бундай бўлган:

Собит ибн Мусо Шарик ибн Абдуллоҳ ал-Қозий олдига киради. У қуйидагиларни ёздириб турган эди. «Бизга Аъмаш сўзлаб берди, у Абу Суфёндан, у эса Жобирдан, у Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан айтадилар...» У ёзувчи ёзиб олиши учун бироз сукут қилдилар. Шунда Собитга қараб, «Ким кечқурун намозни кўп ўқиса, кундузи унинг юзи чиройли бўлади», дедилар. Бундан Собитнинг зуҳди ва тақводорлигини қасд қилганди. Собит эса буни исноднинг матни, деб гумон қилди ва уни ҳадис, деб ривоят қилди.

2) «Мудраж ал-матн», деб матнга бирор сўзни фосиласиз киргизишга айтилади. У 3 хил бўлади:

1) Ҳадиснинг аввалида идрож бўлиши;

2) Ҳадиснинг ўртасида идрож бўлиши;

3) Ҳадиснинг охирида идрож бўлиши;

1. Ҳадиснинг аввалида идрож воқеа бўлишига сабаб ровий бир сўз айтади ва шу сўзга ҳадисдан далил келтиради. Иккисининг ўртасини ажратмасдан, эшитувчи ҳаммаси

ҳадисдан, деб ўйлайди. Ва худди шундай қилиб ундан ривоят қилади.

Мисол:

Хатиб Абу Қатон ва Шабобалардан, улар Шўъбадан, у Муҳаммад ибн Зиёддан, у Абу Ҳурайрадан, у Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан айтадилар: «Таҳоратни мукаммал қилинглари, тавонларга жаҳаннамдан вайл бўлсин». Бу мисолдаги «Таҳоратни мукаммал қилинглари», деган жумла Абу Ҳарайраникидир. Буни бизга Имом Бухорий ривоят қилган қуйидаги ҳадис баён қилди. Унда Бухорий Одамдан, у Шўъбадан, у Муҳаммад ибн Зайётдан, у Абу Ҳурайрадан айтди: «Таҳоратни мукаммал қилинглари», чунки Абул-Қосим «Тавонларга жаҳаннамдан вайл бўлсин», деганлар. Имом ал-Хатиб Абу Қатон ва Шабобалар Шўъбадан келтирган ривоятида ваҳм қилган, деган.

2. Ҳадиснинг ўртасида идрож воқеъ бўлишига мисол:

Бухорий ривоят қилишича, Оиша розияллоҳу анҳу ваҳийнинг бошланиши тўғрисида айтган ҳадисда: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳиро ғорида бир неча кечалаб таханнус (у ибодат қилишдир) билан машғул бўлар эдилар», дедилар. «У ибодат қилишдир» жумласи Имом Зухрийникидир.

3. Ҳадиснинг охирида идрож воқеъ бўлишига мисол:

Имом Бухорий ривоятларида Абу Ҳурайрадан марфуъ ҳадис айтилади: «Қул кишига иккита ажр бордур, менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва ҳажга бориш ҳамда онамга яхшилик қилиш бўлмаганида, қул бўлиб ўлмоқлик мен учун яхшироқдир». «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки...» – шу ва ундан кейинги сўзлар Абу Ҳурайранинг

сўзларидир. Чунки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан бу сўзнинг содир бўлишлиги, қулликни орзу қилишлари мумкин эмас. Ва оналарига яхшилик қиладиган вақтларида оналари вафот этиб кетгандилар.

Идрожнинг боислари:

- 1) Шаръий ҳукми баён қилиш.
- 2) Ҳадис тугамасидан олдин ҳадисдан шаръий ҳукми чиқариб олиш.
- 3) Ҳадисдаги ғариб лафзларини шарҳлаш.

Идрожнинг ҳукми: ҳадис ва фикҳ олимлари иттифоқига биноан «идрож» қилиш ҳаром. Аммо истисно юзасидан ҳадисдаги ғариб калималарнинг тафсири мамнуй эмас. Шунинг учун Зухрий ва бошқа имомлар бунга амал қилишган.

В) Энг машҳур китоблар:

- 1) Хатиб ал-Боғдодийнинг «Ал-Фасл лил васл ал-мудраж» китоблари.
- 2) Ибн Хажарнинг «Тақриб ал-манҳаж би тартиб ал-мудраж» китоблари.

«Ал-Мақлуб» ҳадис

А) Таърифи: луғатда «Ал-қалб»дан исм мафъул бўлиб, «бир нарсанинг юзини буриб кўйиш», деган маънода келади. Истилоҳда эса:

Ҳадиснинг санад ёки матнида бирор-бир лафзни бошқа лафзга алмашиши ёки тақдим ё таъхир бўлишига айтилади.

Б) Қисмлари:

«Мақлуб ас-санад», «Мақлуб ал-матн»

Мақлуб ас-санад, деб санадда ўзгариш воқеъ бўлишига айтилади, унинг икки хил кўриниши бор:

1. Ровий ривоятдаги ровийлардан бирининг исмини отасининг исмидан тақдим ёки таъхир қилиб қўяди. Мисол,

ҳадисда «Каъб ибн Мурра» деб келган бўлса, уни ровий «Мурра ибн Каъб», деб ривоят қилганидек.

2. Ровий ғариблаштириш мақсадида ровийнинг шахсини алмаштириб қўяди. Мисол учун, машҳур ҳадисда «Солимдан», деб келтирилган бўлса, ровий уни «Нофеъдан», деб алмаштириб қўйганидек.

Мисол:

Ҳаммод ан-Насибий Аъмашдан, у Абу Солиҳдан, у эса Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келтирган марфуъ ҳадисда: «Агар йўлда мушрикларга йўлиқиб қолсанглар, уларга аввал салом берманглар», дейилган. Бу ҳадис «мақлуб», Ҳаммод Аъмашдан қалб қилинган, чунки бу ҳадисни Суҳайл ибн Абу Салоҳ отасидан, отаси эса Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган. Буни Имом Муслим ўзларининг саҳих китобларида ривоят қилган. Қалбнинг бу нави гўё ҳадисни ўғирлаш, дейилса ҳам бўлади.

Мақлуб ал-матн, деб матнда ўзгариш воқеъ бўлишига айтилади. Унинг ҳам икки хил кўриниши бор:

Ровий ҳадис матнининг баъзи калималарини тақдим ёки таъхир қилиб ривоят қилади. Мисол учун, Имом Муслим «Саҳих»ларида Абу Ҳурайрадан келтирган ривоятда «Аллоҳ таоло етти тоифа одамларни Аршнинг соясидан бошқа соя бўлмайдиган кунда ўз соясига олади. Шулардан биттаси берган садақаларини махфий тутадиган киши, ҳаттоки ўнг қўли берганини чап қўли билмайди», дейилган. Баъзи ривоятларда қалб қилиб, «чап қўли берганини ўнг қўли билмайди», деб ривоят қилинган.

Ровий бир ҳадиснинг матнига бошқа иснод қўйиб ривоят қилиши, гўё имтиҳон қилиш ёки бошқа мақсадларда. Бунга мисол, Боғдод аҳллари Имом Бухорийнинг ҳифзларини имтиҳон қилиш учун 100 та ҳадисни санад ва матн ўринларини алмаштириб сўрашган. Шунда уларга қалб

бўлмасидан олдин қандай бўлса, бирорта ҳам хато қилмасдан жавоб қайтарганлар.

В) Ҳукми:

1) Агар қалб қилишдан мақсад муҳаддиснинг ҳифзини имтиҳон қилиш учун бўлса, жоиз.

2) Агар қалб қилишдан мақсад ғариблаштириш бўлса, шак-шубҳа йўқки, жоиз эмас.

3) Агар хато ёки саҳван қилинган бўлса, шубҳасиз, маъзур. Аммо «мақлуб ҳадис» мардуд навларидандир.

Г) Энг машҳур ёзилган китоб:

Хатиб ал-Боғдодийнинг «Рофеъ ал-иртияб фил-мақлуб мин ал-асмой вал-алқоб» китоблари бўлиб, фақат санаддаги қалб воқеъ бўлиши тўғрисидадир.

«Ал-Музтариб»

А) Таърифи: луғатда «Ал-изтироб» калимасидан исм фоил бўлиб, маъноси «ишнинг чалкаш бўлиши» ва «низомининг бузилиши», деганидир. Уламолар истилоҳида эса:

Қувват жиҳатидан баробар иккита бир-бирига зид бўлган ҳар хил йўллар билан келган ривоятга айтилади. Яъни, иккита бир-бирига қарама-қарши ҳадис бўлиб, уларнинг ўрталарини мувофиқлаштириб бўлмаса, бирини иккинчисидан таржих қилишнинг имкони ҳам бўлмаган ривоятга айтилади.

Б) Ҳадисни «музтариб», деб номлаш учун иккита шарт топилиши керак:

1) Ривоятлари ҳар хил бўлиши билан уларнинг ўрталарини жам қилиш мумкин бўлмаса.

2) Ривоятларнинг ҳаммаси бир хил қувватли бўлиб, бирини иккинчисига таржеҳ қилиш мумкин бўлмаса .

Аммо агар бирини иккинчисига таржих қилиш мумкин бўлса ёки уларнинг ўртасини жам қилиш имкони топилса, у ҳолда «музтариб» ҳадислиги зоил бўлиб, мақбул ривоятга

айланади ва рожих бўлган ҳадисга амал қилиш вожиб бўлади.

В) Қисмлари:

1) Музтариб ас-санад;

2) Музтариб ал-матн;

«Музтариб ас-санад»га мисол:

Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Қариб қолдингизми, ё Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам?» деди. Шунда Пайғамбаримиз: «Мени Ҳуд ва унинг ахавотлари қаритиб юборди», дедилар. Ҳуд Воқиъа, Мурсалот, Набаъ ва Таквир сураларига ўхшаган сурадир.

Дорақутний шундай деганлар: «Бу ҳадис музтариб, чунки у фақат Абу Исҳоқ йўлларида ривоят қилинган». Баъзиси «Мурсал», яна баъзиси «Мавсул», баъзилари Абу Бакрга, баъзилари Саъдга ва яна баъзилари Оишага нисбат берганлар. Уларнинг ҳаммалари сиқа ишончли. Аммо баъзисини баъзисига таржеҳ қилиб бўлмайди ва жам қилиш узрлидир.

«Музтариб ал-матн»га мисол:

Имом Термизийнинг ривоятида Фотима бинти Қайсдан ривоят қилинади. У Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан закот ҳақида сўради. У зот: «Закотдан ташқари молларда ҳақ бордир», дедилар. Имом ибн Можа ривоятларида эса «Закотдан ташқари молларда ҳақ йўқ», деганлар. Ироқий: «Бу музтариб, ҳеч қандай таъвилга йўл йўқ», деганлар.

Г) Энг машҳур китоб:

Ҳофиз ибн Ҳажарнинг «Ал-Муқтариб фий баёни ал-музтариб» китоблари.

«Мусаҳҳаф» ҳадис

А) Таърифи: луғатда «Ат-Тасҳиф» калимасидан исм мафъул бўлиб, саҳифасидаги хато маъносини англатади. Уламолар истилоҳида эса:

Ҳадисдаги калиманинг ўзгариши ишончли ровийлар ривоят қилган лафзий ёки маънавий калималарнинг ўзгаришига айтилади.

Б) Бу илмни билиш ўта аҳамиятлидир. У нозик ва ўз навбатида энг улуғ фандир. Баъзи ривоятларда воқеъ бўлган хатоларни кашф қилиш энг муҳим илмдир. Бу илмни ҳофизлардан ўта билимдон, жуда қобилиятли кишиларгина англай олади. Худди Дорақутнийга ўхшаганлар.

В) Қисмлари

Ҳофиз ибн Ҳажар икки қисмга бўлган:

1) «Ал-мусахҳаф»;

2) «Ал-мурахҳаф»;

«Ал-Мусахҳаф», деб хатнинг сурати боқий туриши билан бирга ҳарфларнинг нуқталарига нисбатан ўзгаришига айтилади. Мисол: Шўъбадан «Ал-Аввом ибн Мурожим», деб келтирилган ривоятни Ибн Маъин , «Ал-Аввом ибн Музоҳим», деб тасҳиф қилганлар. Юқоридаги мисол «Мусахҳаф» ҳадиснинг биринчи қисмига мисол бўлади ва у «Ал-Мусахҳаф», деб аталади.

«Ал-Мурахҳаф», деб хатнинг сурати боқий туриши билан бирга ҳарфларининг шаклларига нисбатан ўзгаришга айтилади. Мисол: Зайд ибн Собит Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан: яъни «Ихтажара фил масжид...», деб ривоят қилган ҳадисни Ибн Лаҳиъа: яъни «Ихтажама фил масжид...», деб тасҳиф қилганлар.

Г) Энг машҳур китоблар:

1. Дорақутнийнинг «Ат-Тасҳиф» китоби.

2. Хаттобийнинг «Ислаҳ хато ил-Муҳаддисин» китоби.

3. Абу Аҳмад ал-Аскарининг «Тасҳифат ал-Муҳаддисин» китоби.

«Шозз» ҳадис

А) Таърифи: луғатда «Шазза» калимасидан исм фоил бўлиб, «ёлғизланувчи» маъносида келади. Уламолар истилоҳида эса:

Мақбул ривоят ўзидан кўра аълороқ кишининг ривоятига хилоф келган ҳадисга айтилади. Яъни, мақбул адолатли зобти мукаммал ёки адолатли зобти енгилроқ кишининг ривоятидир. Ундан кўра аълороқ кишининг ривояти, дегани зобт жиҳатидан устун, таржих қилинса, у рожиҳ бўладиган киши . «Шозз» ҳадиснинг хилофидаги ривоят «махфуз» ҳадис, дейилади. «Шозз» ҳадис – «мардуд». «Махфуз» ҳадис эса мақбулдир.

Б) Мисол

Абу Довуд ва Термизийлар бу ҳадисни Абдул Воҳид ибн Зиёддан ривоят қилган. У Аъмашдан, у Аби Солиҳдан, у Абу Хурайрадан айтган марфуъ ривоятда: «Агар сизлардан ким бомдод намозини ўқиса, бас, ўнг тамонига ёнбошласин», дейилган. Аммо Байҳақий айтадики, Абдул Воҳид кўп ададли ровийларга хилоф чиққан. Чунки кўпчилик инсонлар бу феълни Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари, деб эмас, балки одатларидан, деб ривоят қилганлар. Демак, бу ўринда Абдул Воҳид кўпчилик ишончли бўлган ровийлардан ёлғизланиб қолди. Шунинг учун унинг ҳадиси «Шозз», деб номланди.

«Ал-Жаҳалату бир-ровий» ҳадис

А) Таърифи: луғатда «жахл» лафзи сўз ўзаги бўлиб, «билмоқ» сўзининг зидди, акси маъносида келади, яъни ровийнинг номаълумлиги, деган маъно тушунилади. Уламолар истилоҳида эса:

Ровийнинг ўзи ёки ҳоли номаълум бўлган ривоятга айтилади.

Б) Сабаблари 3 та:

1) Ровий сифатларининг кўплиги, яъни унинг исми, куняси, лақаби, ахлоқий сифати, касби, насаби. Шулардан

машхур бўлмаган сифати билан зикр қилинса, қайсидир мақсадларда эшитувчилар уни бошқа ровий экан, деб гумонга тушади. Ва ровийнинг ҳоли номаълум бўлиб қолади.

2) Ровийнинг ривояти озлиги, яъни кўп ҳадис ривоят қилмаганлиги, ҳатто баъзида битта ривоятнигина ривоят қилган бўлади.

3) Ровийнинг исмини очик равшан айтмаганлиги, яъни қисқартириш мақсадида ровийнинг исми очик келмаган бўлади. У «Мубҳам» ҳадис, деб ҳам номланади.

В) Мисоллар:

1) Ровийнинг сифатлари кўплигига мисол:

«Муҳаммад ибн ас-Соиб ибн Бишр ал-Калбий».

Баъзилар боболарига нисбат бериб,

Муҳаммад бин Бишр, дейишган. Баъзилар уни «Ҳаммод ибн ас-Соиб», деб номлашган бўлса, яна баъзилар унинг кунялари билан – «Або ан-Назр», баъзилар «Або Сайид», яна баъзилар «Або Ҳишом», деб айтишган. Улар бир жамоат, деб гумон қилинади, ваҳоланки, у бир одамнинг сифатларидир.

2) Ровийнинг ривояти озлигига мисол: Тобеъинлардан «Абу ал-Ушаро ад-Дорамий», фақат Ҳаммод ибн Саламагина ундан бир ҳадис ривоят қилган.

3) Исмини ошкор, равшан бўлмаганлигига мисол: «Ровийнинг «Фалончи» ёки «Бир киши менга хабар берди», деган сўзи.

Г) Навлари учтага тақсимланади:

1) «Мажҳул ал-аъйн»

а) таърифи: исми зикр қилинган, аммо фақат битта ровий ундан ҳадисни ривоят қилишига айтилади.

б) ҳукми: ишончли сиқа киши экани маълум бўлса, мақбул. Ишончли бўлиши учун икки йўл билан ҳосил бўлади:

1. Ундан ривоят қилган кишидан бошқалар уни ишончли, деб баҳолаши керак.

2. Ишончли, деб номланаётган киши жарҳ ва таъдил аҳлларида бўлиши керак.

2) «Мажхул ал-хол» (ал-Мастур)

а) таърифи: икки ё ундан кўп сонли ровийларнинг ундан ҳадис ривоят қилиши, лекин ишончли бўлмаган ривоятдир.

б) ҳукми: жумхур уламолари наздларида рад қилинган.

3) «Мубҳам»

а) таърифи: ҳадисда ровийнинг исми очиқ-равшан келмаган ривоятга айтилади.

б) ҳукми: ровийнинг исми равшан бўлмагунча у қабул эмас.

Д) Энг машҳур ёзилган китоблар:

1) Ал-Хатибнинг «Мавзиху авҳам ал-жам ва ат-тафиқ» китоби.

2) Имом Муслимнинг «Китоб ал-вуҳдон» китоби.

3) Хатиб ал-Бағдодийнинг «Ал-Мубҳамот» китоби.

4) Валийддин ал-Ироқийнинг «Ал-Мубҳамот мин ал-мустафад ал-Мант вал Иснод» китоби.

«Ал-Бидъат»

А) Таърифи: луғатда «» «Бадаъа» сўзининг ўзаги бўлиб, «янги пайдо бўлган» маъносини англатади. Уламолар истилоҳида эса:

Дин мукаммал бўлганидан кейин унда янгиликнинг пайдо бўлиши ёки Пайғамбаримиздан сўнг пайдо бўлган хавои фикр ва амалга айтилади.

Б) «Бидъат» ҳадиснинг икки хил нави мавжуд:

1) «Бидъат мукаффира», яъни унинг сабабидан соҳиби кофир бўлади. Куфр лозим кўрган нарсага эътиқод қилиш ёки акси, мисол учун беш вақт намоз, рамазон рўзасини инкор қилувчи кишининг ривояти қабул қилинмайди.

2) «Бидъат муфассиқа», яъни унинг сабабидан соҳиби фосиқ бўлади.

В) Ҳукми:

1) Агар бидъат мукаффира бўлса, унинг ривояти рад қилинади.

2) Агар бидъат муфассика бўлса, жумҳур уламолари наздида икки шарт билан қабул қилинади:

1) Бидъатига чақирувчи бўлмасин.

2) Ривояти бидъатга ташвиқот қилувчи бўлмасин.

«Суъул-ҳифз» ҳадис

А) Таърифи:

У – тўғрилиқ томони хатолик томонидан таржих бўлмаган ровийнинг ривояти.

Б) Бунинг ҳам иккита нави бор:

1) Ровий ҳифзининг ёмонлиги ҳаётининг аввалидан бошланган бўлиб, ҳамма ишларида ва аҳволларида содир бўлган бўлса, унинг ривояти баъзи ҳадис олимлари наздида «Шозз» ҳадис, дейилади.

2) Ҳифзининг ёмонлиги, кексалиги, кўзининг кўрмай қолишлиги ёки китобларининг ёниб кетиши каби кейин пайдо бўлган сабабга кўра бўлса, у «Мухталат ҳадис», дейилади.

В) Ҳукми:

1) Ҳифзининг ёмонлиги аввалдан бўлган бўлса, унинг ривояти мардуддир.

2) Агар мухталат ҳадис бўлса, унинг ҳукми қуйидагича:

– агар ривоят «ихтилот» аралашидан олдин содир бўлган бўлса ва бу аниқланса, ажратилса, у ривоят мақбул бўлади;

– ихтилот аралашидан кейин содир бўлган бўлса, у мардуд;

– агар аввалми, кейинми ажратилмаса, тўхтаб турилади то аниқлангунча;

Мавзу бўйича таянч иборалар (терминлар): таън, мавзу, матрук, мункар, муъаллал, мудраж, мақлуб, музтариб, мусаххаф, шозз, маҳфуз, бидъат, суъул ҳифз.

VII мавзу: Мақбул билан мардуд орасидаги муштарак хабарлар

1. Хабарнинг кимга иснод берилганига нисбатан тақсими, «Қудсий» ҳадис таърифи, у билан Қуръон ўртасидаги фарқ ва унга мисол.

2. «Марфуъ» ҳадис – таърифи, навлари, мисоли.

3. «Мавқуф» ҳадис – таърифи, навлари, мисоли.

4. «Мақтуъ» хабар – таърифи, навлари, мисоли. «Мақтуъ» билан «Мавқуф» хабарларни кўпроқ учратиш мумкин бўлган манбалар.

5. «Муснад» – таърифи, мисоли.

6. «Муттасил» – таърифи, мисоли.

Хабар кимга суянтирилганлиги жиҳатидан тўрт қисмга тақсимланади:

1) Ҳадис ал-Қудсий, 2) Марфуъ, 3) Мавқуф, 4) Мақтуъ.

«Ал-ҳадис ал-Қудсий»

А) Таърифи: луғатда «Ал-қудс» лафзидан «пок», «тоза», «муқаддас» маъносида келган, яъни пок зотга нисбатан берилган ҳадис маъносида тушунилади. У Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодир. Уламолар истилоҳида эса Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам иснодлари билан бирга Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан бизга нақл қилинган Роббул-Иzzанинг сўзига айтилади.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам баъзида саҳоби киромларга Аллоҳ таолодан нақл қилиб сўз айтар эдилар. Бу айтган сўзлари очик-равшан ваҳий бўлмаганлиги учун Қуръон эмасдир. Шу билан бирга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бевосита ўз сўзлари эмаслиги учун

ҳадис Набавий ҳам эмас. «Ҳадис ал-қудсий»нинг услуби Қуръони каримнинг услубидан фарқ қилади, яъни бир-бирига тўғри келмайди. Аммо шу билан бирга қудсий ҳадисларда ғайб оламидан бир нур ва оламларнинг тарбиячиси Аллоҳ таолодан бир ҳайбат бор. Бу турдаги ҳадислар ҳадис ал-қудсий, яъни қудсий ҳадислар ёки илоҳий ҳадислар ва раббоний ҳадислар, дейилади. Қудсий ҳадислар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан нақл қилиб айтадиларки...» деб бошланади. Шунинг учун айрим уламолар қудсий ҳадислар лафзи Аллоҳ таолодан эканлигини айтишади. Уламоларнинг кўпчилиги эса лафз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан, маъноси эса Аллоҳ таолодан, деб ҳисоблайдилар. Қудсий ҳадислар Қуръони карим оятларига ўхшамайди ва Қуръони карим таърифини ҳам ўз ичига олмайди. Яъни, инсонларни ожиз қолдирувчи эмас.

Б) У билан Қуръон орасидаги фарқлар:

1) Қуръоннинг лафзи ҳам, маъноси ҳам Аллоҳ тарафидан, ҳадиси қудсий эса маъноси Аллоҳ тарафидан, лафзи Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан.

2) Қуръонни тиловат қилиш билан ибодат қилинади, ҳадиси қудсийни тиловат қилиш билан ибодат қилинмайди.

3) Қуръон собит бўлиши жиҳатидан мутавотир бўлишни шарт қилади. Ҳадиси қудсий собит бўлишда мутавотир бўлиш шарт қилинмайди.

В) Мисол:

Имом Муслим ўзларининг «Саҳиҳ» китобларида Абу Зарр розияллоҳу анҳудан, у киши Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан, у зот Аллоҳ таолодан айтадилар: «Эй бандаларим, Мен ўз нафсимга зулмни ҳаром қилдим. Ва уни сизларнинг ўрталарингизда ҳам ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар...».

Г) Энг машҳур китоб:

Абу Рауф ал-Мунавийнинг «Ал-иттихафот ас-сунния билаҳадис ал-қудсия» китоби. Унда 272 та қудсий ҳадислар жамланган.

«Марфуъ» ҳадис

А) Таърифи: луғатда «Рафаъа» феълидан исм мафъул бўлиб, «вазаъа» – «туширди» маъносининг зиддидир. Бундай деб номланиши «улуғ», «баланд» мақом соҳибига нисбат берилганлиги учун. У Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламдир. Уламолар истилоҳида эса

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга изофа қилинган сўз, амал, тақрир ва сифатга «марфуъ» ҳадис, дейилади. Яъни, у Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилган гап, сўз, иш, тақрир ё сифат бўлсин ёки етказувчи хоҳ исноди муттасил ё мунқотей бўлсин, фарқ қилмайди. Бунга марфуъ мавсул, мурсал, муттасил ва мунқотейлар киради.

Б) Навлари

Юқоридаги таърифдан маълум бўладикки, «марфуъ» ҳадиснинг тўртта нави бор экан:

1. Ал-Марфуъ ал-қовлий.
2. Ал-Марфуъ ал-феълий.
3. Ал-Марфуъ ат-тақририй.
4. Ал-Марфуъ ал-васфий.

В) Уларга мисоллар:

- 1) Марфуъ қовлийга мисол:

Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар умматимга машаққат бўлмаганида эди, ҳар бир намоз пайтида мисвок тутишга буюрар эдим», дедилар.

- 2) Марфуъ феълийга мисол:

«Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам ҳадяни қабул қилар ва унга яраша қилиб қайтарар эдилар».

3) Марфуъ тақририга мисол:

«...Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам дастурхонларида зобб (эчкемарга ўхшаш судралиб юрувчи) истеъмол қилинди».

4) Марфуъ васфияга мисол:

«Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам инсонларнинг энг мукамал хулқ соҳиби эдилар».

«Ал-Мавқуф» ҳадис

А) Таърифи: луғатда «вақф» калимасидан исми мафъул бўлиб, «тўхтаб қолдирилган» маъносида келади. Уламолар истилоҳида эса:

Саҳобийга изофа қилинган гап, иш ёки тақрирга айтилади.

1) Мавқуф ал-қавлийга мисол:

Имом Бухорий ривоят қилишича, Али (к.в.): «Инсонларга билган нарсаларини гапиринглар. Нима, Аллоҳ ва Унинг Расулини ёлғончига чиқаришни хоҳлайсизларми?» деганлар.

2) Мавқуф ал-феълийга мисол:

Имом Бухорий: «Ибн Аббос таяммум ҳолатида имом бўлдилар», дедилар.

3) Мавқуф ат-тақририйга мисол:

Баъзи тобеъинларнинг: «Мен бир саҳобийнинг олдида шу ишни қилдим, инкор қилмадилар», деган сўзига ўхшаш.

Мавқуф ҳадисда санаднинг муттасиллиги шарт қилинмайди, балки у муттасил, мунқотеъ, муъаллақ, мўъзал бўлишлиги мумкин.

Б) Мавқуф ҳадисдан ҳужжат олинадими?

Биз билдикки, «Мавқуф» «саҳиҳ» ё «ҳасан» ёки «заиф» бўлиши мумкин экан. Аслида ҳужжат олинмайди. Чунки у саҳобий сўзи ва амалидир, лекин агар у собит бўлса, заиф ҳадислардан кўра қувватлироқ бўлади. Зеро, мурсал баҳсида айтиб ўтилди. Саҳобийнинг суннатга амал қилганлиги бунга сабабдир. Бу «Марфуъ ҳадис» ҳукми бўлмаган пайтдагина бўлади. Аммо унинг ҳукми марфуъ ҳадис ҳукмида бўлса, бас, ҳужжат олишликда ҳам марфуъ ҳадис сингари бўлади.

«Мақтуъ» ҳадис

А) Таърифи: луғатда «қатаъа» калимасидан исм мафъул бўлиб, «узилган» маъносида келади. Истилоҳда эса

Тобеъинлар ёки табаъа тобеъинларга изофа қилинган сўз ва феълга «Мақтуъ» ҳадис, дейилади. «Мақтуъ» бу «Мунқотеъ», дегани эмас. Чунки «мақтуъ» матннинг сифатларидандир. Мақтуъ ҳадис тобеъин ёки табаъа тобеъин сўзидир. Исноди эса то тобеъингача муттасил бўлади. «Мунқотеъ» ҳадиснинг эса исноди муттасил бўлмайди ва унинг матнга алоқаси йўқдир.

Б) Мисол:

1. Мақтуъ ал-қовлийга мисол: Ҳасан Басрий бидъатчи одамнинг орқасида намоз ўқиш тўғрисида шундай деганлар: «Намоз ўқийвер. Бидъатчилиги ўзига».

2. Мақтуъ ал-феълийга мисол: Иброҳим ибн Муҳаммад ибн ал-Мунташир айтади: «Масруқ ўзи ва аҳли орасидаги пардани туширар, намозга юз бурар ва уларни, дунёни тарк қилар эдилар».

В) Ҳукми: мақтуъ шаръий ҳукмларда ҳужжат олинмайди. Агар саҳиҳ бўлса ҳам. Чунки у бир мусулмоннинг сўзи ёки феълдир. Лекин агар унда марфуъликка далолат қилувчи қарина бўлса, у кўтарилади ва марфуъ мурсал ҳукми, деб эътибор қилинади.

Г) «Мавқуф» ва «мақтуъ» ҳадислар кўпроқ учрайдиган манбалар:

1. Ибн Аби Шайбанинг «Мусаннаф» китоби.
2. Абдурраззоқнинг «Мусаннаф» китоби.
3. Ибн Жарир, Ибн Аби Хотим ва Ибн Мунзирларнинг тафсир китоблари.

«Муснад» ҳадис

А) Таърифи: луғатда «аснада» феълидан исм мафъул бўлиб, «суянтирилган, изофа қилинган» маъносидадир. Уламолар истилоҳида эса:

Санади муттасил Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга марфуъ қилинган ҳадисга айтилади.

Б) Мисол:

Имом Бухорий «Саҳих» китобларида келтирган бир ҳадисда қуйидагича баён қиладилар: «Бизга Абдуллоҳ ибн Юсуф ушбу ҳадисни айтди. У Моликдан, Молик Абу Зиноддан, у эса Аърождан, у Абу Ҳурайрадан розияллоҳу анҳу, у Расулуллоҳдан саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Агар сизларнинг бирортангизнинг идишингизни ит яласа, бас, етти марта ювсин». Бу ҳадиснинг санади аввалидан то охиригача муттасил ва у Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга марфуъ (кўтарилган) қилингандир.

«Муттасил» ҳадис

А) Таърифи: луғатда – «иттасала» феълидан исм фоил бўлиб, «ёпишувчи» маъносида келади. Уламолар истилоҳида эса:

Санади муттасил бўлган марфуъ ёки мавқуф ҳадисга айтилади.

Б) Мисол:

1. Санади муттасил марфуъ ҳадисга мисол:

«Молик Ибн Шиҳобдан, у Солим ибн Абдуллоҳдан, у эса отасидан, отаси Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай дедилар...».

2. Санади муттасил мавкуф ҳадисга мисол:

«Молик Нофеъдан, у Ибн Умардан шундай деди...».

VIII мавзу: Ривояти қабул қилинадиган кишининг таърифи ва сифати, унга тааллуқли бўлган жарҳ ва таъдил қондаси. Ровий ва уни қабул қилиш шартлари. Ровий тўғрисида ҳукмлар. Жарҳ ва таъдил тўғрисида ёзилган китобларга умумий мулоҳазалар. Жарҳ ва таъдил мартабаси ва ҳукмлари. Ровий ва унинг қабули учун шартлар.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари ровийлар воситасида ривоят қилинганлиги учун ҳадис ва уларнинг ровийлари аҳволига жиддий эътибор қаратиб, ривоятларини қабул қилиш учун маълум шартлар қўйилган. Зеро, бир ҳадиснинг қабул бўлиши учун ровий ва ҳадисга қўйилган шартлар мисли кўрилмаган диққат-эътибор ва чуқур ўрганиш билан амалга оширилган.

Ровийга қўйилган шартлар

Ҳадис ва фикҳ уламоларининг барчаси ровийда иккита асосий шарт мавжуд бўлишини таъкидлаб айтганлар:

1. Адолат – яъни, ровий мусулмон, балоғатга етган, ақлли, фосиқлик аломатларидан холи ва муруатни кетказувчи нарсалардан саломат бўлиши керак.

2. Зобт – яъни, ровий сиқа ровийларга муҳолиф, ҳифзи ёмон, ўта бепарволикка йўл қўйган бўлмаслиги керак.

Адолат икки иш билан собит бўлади:

1. Унинг одил эканлигини исботловчи олимлар тарафидан.

2. Адолат билан машхур бўлиши билан, яъни бир кишининг адолати аҳли илмлар орасида машхур бўлиб, у ҳақда уларнинг мақтов сўзлари тарқалган бўлса, шунинг ўзи кифоядир. Бунга тўрт мазҳаб имомлари, Суфён Саврий, Суфён ибн Уяйна, Авзой ва бошқалар мисол бўладилар. Ровийнинг зобти эса ривоятда моҳир, сиқа ровийларга мувофиқ бўлиши билан бўлади. Ровий аксарият ҳолларда уларга мувофиқ бўлса, у зобт ҳисобланади. Айрим ҳолатларда муҳолиф бўлишининг зарари йўқ.

Жарҳ ва Таъдилнинг қабул қилиниши

Саҳиҳ қавлга кўра, сабаби зикр қилинмаса ҳам, Таъдил қабул қилинаверади. Чунки унинг сабаблари чексиз бўлиб, уни хаср қилиш мушкул. Масалан: муаддилнинг (ровийни одил, дегувчи олим) «Бу ишни қилмаган», «Бундай гуноҳ ундан содир бўлмаган», дейиши кифоядир.

Жарҳда эса сабаби айнан баён қилиниши лозим. Чунки кишилар жарҳнинг сабабларини белгилашда ҳар хил йўл тутганлар. Ибн Салоҳ айтади: «Фикҳ ва унинг усулидаги белгиланган қоида шудир. Хатиб Ҳофиз зикр қилишича, Бухорий ва Муслим каби ҳадис ҳофизлари ва ноқидларининг йўллари ҳам шудир. Шунинг учун бунда Икрима, Амр ибн Мазруқ каби бошқалар тарафидан жарҳ қилинган ровийларни ҳужжат қилиб келтирган. Муслим ва Абу Довуд ҳам худди шундай қилганлар». (Ибн Салоҳ «Улумул ҳадис» китоби, 96-бет.)

Агар бир ровийда ҳам жарҳ, ҳам таъдил номланиб қолса, жарҳининг баёни зикр қилинган бўлса, таъдил олдин қўйилади.

Одил кишининг бирон шахсдан ривоят қилиши унинг шахсига адолатли, деб баҳо бериши ҳисобланмайди. Олимнинг бир ҳадисга мувофиқ амал қилиши ва фатво бериши ўша ҳадиснинг саҳиҳлигига ҳукм бўлмайди. Шунингдек, унинг амал ёки фатвоси ҳадисга муҳолиф бўлса, ҳадиснинг саҳиҳлигига ва ровийларига таъсир ўтказмайди.

Фосиклигидан тавба қилган кишининг ривояти қабул қилинади. Ҳадисда ёлғончилигидан тавба қилган кишининг ривояти қабул қилинмайди. Ҳадис айтишда ҳақ олган кишининг ривояти Аҳмад, Исҳоқ ва Аби Хотим наздларида қабул қилинмайди. Абу Нуайм наздларида эса ривояти қабул қилинади. Мақбул.

Мутасоҳил (бепарво), кўп унутиш билан маълум бўлган кишининг ривояти масаласида уламолар қуйидагича фикр билдирганлар: ҳадис эшитиш ва бошқаларга эшиттиришда мутасоҳил кишининг ривояти қабул қилинмайди. Масалан, ҳадис эшитиш вақтида ухлаб қолиш ёки қабул қилинмайдиган аслдан ҳадис айтишга бепарво кишига ўхшаш. Ривоят қилишда кўп унутишлик билан маъруф бўлган кишининг ривояти ҳам қабул қилинмайди. Эътимодли, тузатилган аслга суяниб ривоят қилаётган бўлса ҳам, баъзи макон ва вақтлар хусусида бўшроқ гапирган бўлса ҳам, баъзан устозидан кучли, баъзисида кучсиз ривоят қилган бўлса ҳам, ривоятлари қабул қилинмайди.

Ҳадиси «заиф», деб ҳукм қилинган ровийнинг адолати, зобти ёки адолат ва зобтига таъна етиш каби бир қанча ишларга боғлиқ бўлгани учун уламолар ровийларни адолати, зобти баёни ҳақида сиқа муъаддил имомлардан нақл қилинган китобларни тасниф қилдилар. Бу иш Таъдил илми, деб номланди. Шунингдек, уламолар айрим ровийларнинг адолати, зобти ва зехни ҳифзига йўналтирилган таъналарни (айблов) мутаассиф бўлмаган имомлардан нақл қилганларки, бу Жарх илми, деб номланарди.

Бу китобларнинг айримларида фақат сиқа ровийлар ҳақида, баъзиларида заиф ва мажруҳ ровийлар ҳақида, яна баъзи бирларида эса сиқа ва заиф ровийлар ҳақида баён қилинган. Айрим китобларида умумий ҳадис китобларидаги кишилар ҳақида зикр қилинса, айримларида махсус бир ҳадис китобидаги ровийларнинг таржимаи ҳоли ҳақида зикр қилинган.

Бу бобда ёзилган китобларнинг баъзиларини келтирамиз.

1) – «Ат-тарих ал-кабир лил Бухорий». У китобда сиқа ва заиф ровийлар умумий зикр қилинган.

2) – «Ал-жарҳ ват-таъдил ли Ибн Аби Хотим». У китоб ҳам худди юқоридаги китобга ўхшаш.

3) – «Ас-сиқот ли Ибн Ҳиббон». У фақат сиқа ровийлар тўғрисида зикр қилинган китобдир.

4) – «Ал-комил физ-зуъафои ли Ибн Адий». У – фақат заиф ровийлар таржимаи ҳоллари баён қилинган китоб.

5) – «Таҳзиб ат-таҳзиб ли Ибн Ҳажар». У – мухтасар китоб.

6) – «Ал-комил фи асмои ар-рижол ли Абдулғани ал-Мақдасий». У – умумий китоб, лекин фақат олти машхур китобдаги кишилар зикр қилинган.

7) – «Мизон ал-эътидол ли аз-Заҳабий». У китоб фақат заиф ва матрук кишилар тўғрисида зикр қилинган.

Жарҳ ва таъдил мартабалари:

Ибн Аби Хотим ўзининг «Ал-Жарҳ ат-Таъдил» китобининг муқаддимасида жарҳ ва таъдилни тўрт мартабага тақсим қилганлар. Кейин бошқа уламолар бунга яна икки мартабани қўшиб, олти мартабага етказганлар. Улар қуйидагилар:

1) Унинг сиқалигига муболаға билан ёки – «афъалу» исми тафзил вазнида зикр қилинган бўлса, масалан, «Фалончи бениҳоя собитдир» ёки «Фалончи одамларнинг энг собитидир» каби сўзлар. Бу таъдилнинг энг олий даражасидир.

2) Битта ёки иккита тавсиқ сифатлари билан таъкидланган бўлса, масалан, «Фалончи сиқадир, сиқадир» ёки «Сиқа собитдир».

3) Таъкидсиз сиқалигига далолат қилувчи сифатлар билан зикр қилинса, масалан, «Фалончи сиқадир» ёки «Фалончи ҳужжатдир».

4) Зобтини билдирмасдан адолатли эканлигига далолат қилувчи лафз билан бўлса, масалан, «Фалончи ўта ростгўйдир» ёки «Унинг ўрни фақат ростгўйликдир» ёки «» – «Фалончининг ёмонлиги йўқдир» каби лафзлар билан зикр қилинса. Аммо Ибн Маъйин ровий ҳақида «» лафзи ишлатилса, у сиқа ҳисобланади, деган.

5) Сиқалиги ёки мажруҳлигига далолат қилмайдиган лафзлар билан зикр қилинса, масалан, «Фалончи шайхдир» ёки «Ундан кишилар ривоят қилишган» каби.

6) Жархга яқинроқ лафз билан зикр қилинса, масалан, «Фалончининг ҳадиси ярайди» ёки «Унинг ҳадиси ёзилади» каби.

Мазкур олти даражадаги ровийларнинг аввалги учтаси ҳужжат сифатида қабул қилинади, баъзилари баъзиларидан қувватлироқ бўлса ҳам. Аммо тўртинчи ва бешинчи даражадагилар ҳужжат сифатида қабул қилинмайди. Лекин ҳадислари ёзилиб, бошқа сиқа ровийларнинг ҳадислари билан солиштирилади. Агар мувофиқ келса, уларнинг ҳадислари ҳам ҳужжат бўлади. Тўртинчи даражадаги мартаба бешинчи даражадаги мартабадан муқаддамроқдир. Олтинчи даражадаги кишиларнинг ҳадислари ҳужжат бўлмайди. Лекин уларнинг ҳадислари солиштириш учун эмас, балки эътибор учун ёзилади. Бу уларнинг зобт эмасликда машҳур бўлганликлари учундир.

Жархнинг мартабалари ва унинг лафзлари:

1) Талйинга далолат қилувчи лафз (талйин, деб ровийнинг ҳадис ривоят қилишдаги юмшоқлигига, яъни бўшлигига айтилади). Масалан: «Фалончи ҳадис ривоят қилишда лайиндир» ёки «Фалончи ҳақида сўз бор» каби.

2) Унинг ҳужжат бўлмаслигига сарех (очиқ) лафз келса, масалан: «Фалончи ҳужжат бўлмайди» ёки «Заифдир» каби.

3) Ҳадисини ёзмасликка сареҳ (очик) лафз келса, масалан: «Фалончининг ҳадиси ёзилмайди» ёки «Ундан ривоят қилиш ҳалол эмас» ё «У жуда заифдир» каби.

4) Ўқи ёлғончилигида гумон қилинадиган лафз билан келса, масалан: «Фалончи ёлғон билан гумон қилинган», «Ёлғон ҳадис тўқиш билан гумон қилинган», «Ҳадис ўғирлайди» ёки «Соқитдир» ё «Матрукдир» ёки «Сиқа эмас» каби.

5) Ёлғончилигини васф қилган лафзга далолат қилса, масалан: «Фалончи каззобдир», «Дажжолдир», «Ҳадис тўқувчидир», «Ўлғон гапиради» ёки «Ҳадис тўқийди» каби.

6) Ёлғончилигини муболаға билан васфлаб келганлигига далолат қилса, масалан: «Фалончи одамларнинг энг ёлғончисидир», «У ёлғоннинг рукнидир» каби.

Жарҳнинг аввалги икки даражасидаги кишиларнинг ҳадислари ҳужжат бўлмаса-да, ибрат учун ёзилади. Аммо қолган тўрт даражадаги кишиларнинг ҳадислари ҳужжат бўлмайди, ёзилмайди ва эътиборга олинмайди.

IX мавзу: Ривоят қилиш одоблари ва кайфиятлари, ҳадисни эшитиш, ёд сақлаш ва етказиш кайфиятлари, ривоятни қабул қилиш ва етказиш йўллари, ҳадиснинг китобати. Забт қилиш ва таснифи

Ҳадисни эшитиш кайфияти, деганда шайхлардан ҳадисни эшитишни хоҳлаган кишига қўйилган шартлар ва унга лозим бўлган нарсалар баёни ва ўзидан кейингиларга етказиш учун унинг масъулиятини ўз зиммасига олиш тушунилади. Масъулиятини ўз зиммасига олиш, деганда шайхлардан ҳадисни ўрганиш ва уни қабул қилиш йўллариининг баёни тушунилади.

Уни забт қилиш баёни, дегани эса – толиб ҳадисни бошқаларга ишончли шаклда ривоят қилиш учун ҳадис аҳлларидан қандай қилиб ҳадисни ўрганди?

Мусталаҳ уламолари ҳадис илмларидан бўлган бу навга жуда қаттиқ аҳамият беришган ва унинг учун алоҳида ўта нозик шаклда шартлар, нормалар ва қонун-қоидалар ишлаб чиқишди. Ва ҳадисни ўргатиш йўлларини ажратганлар. Сўнг алоҳида мартабаларга бўлганлар. Зеро, бу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига бўлган ғамхўрлик, жонкуярликларининг таъкидидир.

Ҳадисларни ўрганиш ва шайхлардан қабул қилиш учун Ислом ва балоғат шарт қилинмаган. Лекин у ҳадиснинг ривояти ва толибларга етказиш учун албатта Ислом ва балоғат шарт қилинган. Шунинг учун мусулмон болиғ кишининг ривояти қабул қилинади, агар у ҳадисларни Исломдан олдин ёки балоғат ёшига етмасдан ўрганган бўлса ҳам.

Ҳадисни эшитишни бошлаш қачондан мустаҳаб бўлади? Шом аҳллариининг фикрича, 30 ёшда, Кўфа аҳллари 20 ёшда, Басра аҳллари 10 ёшда, деганлар.

Мутааххир уламолар фикрларича эса, ҳадис эшитишликни қанча эрта бошласа бўлаверади. Чунки ҳадислар китобларига жуда аниқ, равшан ёзиб қўйилган.

Баъзи уламолар эшитишликда энг кичик ёш 5 ёш, деса, яна бошқалар идрок ёшидан, яъни агар хитоб қилинса, уни фаҳмлаб, жавоб қайтарса, бу эшитишнинг саҳиҳлиги ҳисобланади, бўлмаса, йўқ, деганлар.

Ҳадис ўрганиш йўллари саккизтадир:

- 1) – Ас-симаъу мин лафз аш-шайхи (лафзан шайхдан эшитиш).
- 2) – Ал-қироту ʼалаш- шайхи (шайхга ўқиб бериш).
- 3) – Ал-ижоза (ижозат бериши).
- 4) – Ал-муновала (шайхнинг шогирдига топшириши).
- 5) – Ал-китоба (ёзиб бериш).
- 6) – Ал-эълум (билдириш).
- 7) – Ал-васия (васият қилиш).

8) – Ал-вижада (толибнинг ривоятни шайхидан эканини хатидан топиши).

Қуйида ҳар бирини алоҳида зикр қиламиз:

1. (лафзан шайхдан эшитиш) – шайх ўқийди, толиб эса эшитади. Шайх хоҳ ёддан ўқисин, хоҳ китобдан ўқисин, толиб ҳам хоҳ эшитганини ёзиб олсин, хоҳ ёзмасдан фақат эшитиб олиши тушунилади.

Жумҳур уламолари наздларида эшитиш ҳадис ўрганишда мартаба жиҳатидан энг юқори қисм ҳисобланади.

Ҳадисни ривоят қилиш лафзи шайхдан лафзан эшитган киши лафзларнинг баъзилари таҳсис бўлиб ёйилишдан олдин бўлса, (самъту) – эшитдим, (хаддасаний) – менга гапириб берди, (ахбараний) – менга хабар берди, (анбаъаний) – менга етказди, (қолалий) – менга айтди ёки (закаралий) – менга зикр қилди, деган лафзлар билан ривоят қилса бўлаверади, дейишган.

1) Эшитувчи: (самъту) – эшитдим ёки (хаддасаний) – гапириб берди;

2) Ўқиб берувчи: (ахбараний) – менга хабар берди;

3) Ижозат олган киши: (анбаъаний) – менга етказди;

4) Музокарани эшитган киши: (қолалий) – менга айтди ёки (закаралий) – менга зикр қилди, деган лафзларда ривоят қилади.

2. (шайхга ўқиб бериш) – толиб ҳадисни ўқийди, шайх эса эшитади. У хоҳ ёддан, хоҳ китобдан ўқисин, шайх ҳам ўқувчини ёддан ўқишини текшириб турсин, хоҳ китоб ушлаб қараб турсин ёки бошқа кишига ишониб, уни эшитиб туриши тушунилади.

Шайхга ўқиб берган кишининг ривояти ҳукми дуруст. Аммо уламолар ихтилоф қилишган:

1) Имом Бухорий, Имом Молик ва Ҳижоз, Кўфа уламоларининг улуғларидан келган ривоятда ҳадисни шайхга қироат қилиб берган кишининг ривояти билан шайхдан

эшитиб ривоят қилган кишининг ривояти баробар мартабада, деганлар.

2) Машриқ аҳлларининг жумхур уламолари (шу сўз саҳиҳроқ) шайхдан эшитиб ривоят қилган кишининг ривоятидан пастроқ мартабада, деб ривоят қилишган.

3) Абу Ҳанифа, Ибн Аби Зеъб ва баъзи Имом Моликдан келган ривоятларда у шайхдан эшитиб ривоят қилган кишининг ривоятидан кўра олийроқ мартабада, деб ривоят қилинган.

Шайхга қироат қилиб берилган кишининг ривоят қилиш лафзлари:

– қорату ʼала фуланин (фалончига ўқиб бердим) ёки – қуриа ʼалайҳи ва ана асмаъу фаақарро биҳи (унга ўқилди ва мен эшитдим, уни иқроқ қилди).

3. – ал-ижозату (ижозат бериши) – шайхнинг ўз шогирдига ривоят қилишга лафзан ё китобатан ижозат бериши.

Кўриниши: шайх шогирдларидан бирига:

– Ажазту лака ан-нарвия ʼанний саҳиҳ ал-Бухорий – «Мен саҳиҳ Ал-Бухорийни ривоят қилишга сенга ижозат бердим», дейиши.

Унинг навлари жуда кўп бўлиб, қуйида шулардан бештасини келтирамиз:

1) Шайх муайян нарсани муайян кишига ижозат беришлиги. Мисол: – Ажазтука саҳиҳ ал-Бухорий – «Сенга саҳиҳ Ал-Бухорийни ривоят қилишга ижозат бердим». Бу нав ижозат навларининг энг олийсидир.

2) Муайян кишига муайян бўлмаган нарсага ижозат беришлиги. Мисол: – Ажазтука риваята масмуъатий – «Сенга мендан эшитганларингни ривоят қилишга ижозат бердим».

3) Тайин қилинмаган кишига муайян бўлмаган нарсага ижозат қилиш. Мисол: – Ажазту аҳла заманий риваята масмуъатий – «Мен замондошларимга мендан эшитганларини ривоят қилишга ижозат бердим».

4) Мажхул кишига номаълум бўлган нарсага ижозат бериш. Мисол: – Ажазтука китабас-сунани – «Сенга сунан китобларига ижозат қилдим» ёки – Ажазту ли Муҳаммад бин Холид ад-Димишқий – «Мен Муҳаммад ибн Холид ад-Димишқийга ижозат бердим». Ваҳоланки, бу исмга ўхшаган исмли кишилар жуда кўп бўлган.

5) Йўқ бўлган нарсага, гоҳо борлигига тобеъ бўлиб, ижозат қилиш. Мисол учун: – Ажазту ли фуланин ва лиман юладу лаҳу – «Фалончига ва ундан туғиладиган фарзандларга ижозат бердим». Гоҳо келажакда бўлмайдиган нарсага, масалан: – Ажазту лиман юладу ли фуланин – «Фалончидан туғиладиган кишига ижозат қилдим» каби.

Биринчи навга жумхур уламолари саҳиҳ, унинг ривояти жоиз ва унга амал қилинади, дейишган. Қолган навларга уламолар ихтилоф қилишган.

Ривоят лафзлари:

1) Энг аълоси: – Ажаза лий фулан – «Менга фалончи ижозат берди», дейиши.

2) Жоиз: – Ҳаддасана ажазах – «Ижозат берганини бизга гапириб берди» ёки – Ахбарана ажазах – «Ижозат берганини бизга хабар қилди» дейиши.

4. – «Ал муновала» (шайх китобини шогирдига топшириши) – унинг иккита нави бор:

1) – «Мақрунаҳ бил ижозаҳ» – у ижозат навларининг энг олийсидир. Шайх толибига китобини топширади ва унга бу ривоятим фалончидан, сен уни мандан ривоят қил, дейди. Кейин у китобни шогирдга мулк қилиб беради ёки нусха кўчириш учун ориятга беради.

2) – «Мужаррадаҳ ѓан ал-ижозаҳ» – шайх бу менинг эшитганларим, деб қисқа ёзилган китобини толибига бериши.

Ривоят ҳукми:

1) – Ал-муқорана бил ижозаҳ – ривояти жоиз. У шайхдан эшитиб ва унга қироат қилиб берган ривоятдан кўра пастроқ мартабада туради.

2) – Ал-мужаррада ъан ал-ижозах – ривояти жоиз эмас.

Ривоят қилиш лафзлари:

1) Энг яхшиси: – новаланий (менга топширди) ёки – новаланий ва ажоза лий (менга топширди ва ижозат берди) демоқ, агар у «мақруна бил ижоза» бўлса.

2) Жоиз: – ҳаддасана муновалах (китобни олганини бизга гапириб берди) ёки – ахбарана муновалах ва ажозах (китоб ва ижозат олганини бизга хабар берди) демоқ.

5. – «Ал-китоба» (ривоятни ёзиб бериш) – шайх ҳузурида ҳозир бўлганларга ёки ғойиб-ҳузурида бўлмаган кишиларга ўзи эшитган ҳадисларни ёзишлиги.

Навлари:

1) – муқорана бил ижозах. Мисол: – Ажазтука ма катабту лака – «Сенга ёзганларимни ривоят қилишга ижозат бердим», деганга ўхшаш.

2) – мужоррадах ъан ал-ижозах. Мисол: шайх баъзи ҳадисларни унга ёзади ва юборади, лекин унга уни ривоят қилишга ижозат бермайди.

Ҳукми:

1) Агар «мақруна бил ижоза» бўлса, ривояти саҳиҳ. У саҳиҳликда ва қувватда «Ал-Муновала ал-мақруна» билан бир хил.

2) – ал-мужаррада ъан ал-ижоза бўлса, баъзилар жоиз, дейишса, бошқалар жоиз эмас, дейишган. Аҳли ҳадис олимлар жоиз, деб айтишган.

Ривоят қилиш лафзи:

1) Тасрих (очиқ) лафз билан келтириш. Мисол: «катаба илаййа фуланун» – «Фалончи менга ёзиб берди».

2) Эшитганлиги ва ўқиганлигини қайд қилиб келтириш билан. Масалан: – ҳаддасаний фуланун, ав ахбароний китабах» «яъни: «Фалончи менга гапириб берди» ёки «Ўзиб менга хабар берди».

6. «ал-Иълам» (билдириш)– шайх толибга бу ҳадис ёки бу китоб эшитган ҳадислардир, деб хабар бериши.

Ҳукми: уламолар «эълум» ривоят қилиш ҳукми тўғрисида ихтилоф қилишган:

- 1) Кўп ҳадис усул ва фикр олимлари жоиз, дейишган.
- 2) Баъзи муҳаддислар жоиз эмас, деганлар.

Ривоят қилиш лафзи:

«Эълум» ҳадис ривоятини ривоят қилишда «Аъламаний шайхий биказа» – «Шайхим буни менга билдирди», деб айтади.

7. «ал-васийях» (васият қилиш) – шайхи вафот қилаётган вақтда ёки сафарга чиқаётган пайтда ўзи ривоят қилган ҳадислари ёзилган китобни васият қилишлиги.

Ривоят ҳукми:

1) Баъзи салаф олимлари наздида жоиз. Лекин бу фикр ғалат. Чунки шайх унга китобини васият қилган. Ундаги ривоятларни ривоят қилишни васият қилмаган.

2) Жоиз эмас. Бу фикр тўғри.

Етказиш лафзлари:

«Авсо илайя фуланун биказа» – «Фалончи менга бу нарсани васият қилди» ёки «Ҳаддасаний фуланун васийях» – «Фалончи менга васият қилиб, гапириб берди», деган лафзлар билан ривоят қиладилар.

8. «ал-вижадах» (топиш)– толиб ҳадис ривоятини хатидан, шайхидан эканини топади, уни танийди. Аммо у ривоятни ундан эшитмаган ва ижозат ҳам олмаган бўлади.

Ривоят ҳукми: вижода ривояти мунқатеъдир, лекин муттасил навлари ҳам бор.

Етказиш лафзлари. Топган одам:

«Важадту бихатти фуланин ав қоробту бихатти фуланин» – «Фалончининг хатини топдим» ёки «Фалончининг хатида ўқидим», деб ривоят қилади.

Ҳадис ёзиш ҳукми:

Саҳобалар, тобеъинлар, салаф уламолари ҳадисларни ёзиш тўғрисида ихтилоф қилишган:

1) Баъзилар макруҳ, дейишган. Улар: Ибн Умар, Ибн Масъуд ва Зайд ибн Собитлар.

2) Баъзилар эса мубоҳ, деганлар. Улар: Абдуллоҳ ибн Амр, Анас ибн Молик, Умар ибн Абдулазиз ва бошқа саҳобалар.

3) Кейинчалик жоизлигига ижмоъ қилишган.

Ҳадисни ёзиш тўғрисидаги ихтилоф сабаблари: ихтилоф сабаблари ёзишдан қайтарилган ва рухсат берилган ҳадисларнинг ворид бўлганидир.

1) Қайтарилган ҳадис:

Имом Муслим ривоят қилади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Мендан Қуръондан бошқани ёзманглар! Ким Қуръондан бошқани ёзган бўлса, бас, уни ўчириб ташласин».

2) Мубоҳлигига келган ҳадис:

Шайхон ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аби Шоҳинга ёзинглар», деб буюрдилар. Яна бошқа ривоятда Абдуллоҳ бин Амрга ҳадис ёзишга рухсат берганлиги ҳақида ҳадислар ҳам бор. Аммо ёзганлар ҳам, ёзмаганлар ҳам ҳадисларни ўта аниқлик билан ривоят қилишни ўзларининг муқаддас бурчлари, деб билар эдилар. Бирорта ҳадисни аниқлаш учун ҳар қанча оғир меҳнатдан, узоқ сафардан ҳам қочмас эдилар. Саҳобийларнинг ҳар бир нарасида Ислом ҳукмига амал қилиш рағбатлари, ҳар бир нарсани Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашга бўлган қизиқишлари ҳамма нарсадан устун турган.

Саҳобалар нафақат ҳадисларни ўрганишни, балки ўргатишни ҳам ўз бурчлари, деб билар эдилар. Чунки Ислом таълимоти, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари шу эди. Имом Термизий ва Имом Абу

Довудлар Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг гапимни эшитиб, ёд олиб, сингдириб, сўнгра эшитганидек қилиб адо этган одамни Аллоҳ неъматлантирсин!» деганлар.

Шунинг учун ҳам Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини билган саҳобалар уларни бошқаларга етказишга астойдил ҳаракат қилар эдилар. Шу билан бирга улар ўта аниқлик билан ривоят қилаётганларига ишончлари комил бўлсагина, бу ишга журъат этар эдилар. Акс ҳолда ҳадис ривоят қилишдан ўзларини тияр эдилар. Шундай қилиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари улкан иноят билан сақланиб, ёдланиб, ривоят қилиб келинди. Бунда саҳобаларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди.

Яна умумий сиёсат шундай бўлганки, ҳадис ривоят қилувчилар текшириб турилган. Бу ишда заррача бепарволикка йўл қўйилмаган. Бир олим ким бўлишидан қатъий назар, ҳадис эшитганлигини даъво қилса, ундан бунинг исботи учун гувоҳ кўрсатиш сўралган. Яъни, ўша ҳадисни бир киши эмас, бир неча киши эшитган бўлиши шарт қилиб қўйилган.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу халифалик вақтларида саҳобаларга Мадинаи Мунавварадан кўчиб-чиқиб кетишга рухсат бермаганлар. Уларнинг доимий яшаш жойлари Мадина бўлган. Шунинг учун ҳадис ўрганмоқчи бўлганлар Мадинага келишарди.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг даврларида саҳобалар турли юртларга, шаҳар-қишлоқларга кўчиб кетдилар. Одамлар улардан ҳадисларни ўргана бошлашди. Яна Қуръони каримни мусхафларга ёзиб, улардан расмий нусхалар кўчириш ҳам илмий асосда йўлга қўйилди. Энди ҳадисларни расмий равишда ёзиб, эҳтимом беришни давлат сиёсатига айлантириш давр талаби бўлиб қолган эди.

Мана шу ишни тобеъинлар амалга ошира бошладилар. Чунки тобеъинлар саҳобаларни кўрган мусулмонлар авлоди бўлиб, ичида бу ишга лаёқатли кишилар кўп эди.

Биринчи хижрий аср охирида халифалик қилган, кўпчилик томонидан бешинчи рошид халифа, деб тан олинган Умар ибн Абдулазиз Ибн Шиҳоб аз-Зухрий ва бошқа муҳаддисларга омма учун ҳадис китоблар ёзишни буюрдилар. Шундан ҳадислар китобати бошланди.

Энди ҳадис илмлари бўйича тузилган ҳадис китобларининг турлари ва уларнинг мартабалари ҳақида сўз юритамиз:

1. «Жавомеъ» – (жамловчи) китоблар. Улар фақат «саҳиҳ» ҳадисларни ўз ичига олгандир. Унда муаллиф ҳамма бобларни – ақоид, аҳком, ибодат, муомилот, сийрат, тафсир ва тарих, маноқиблар, риқоқ, фитналар ҳамда қиёмат куни тўғрисидаги хабарларни киритган. Унга Имом Бухорийнинг ва Имом Термизийнинг китоблари «жомеъ» ҳисобланади.

2. «Саҳиҳ» китоблар. Бу турдаги китобларнинг энг биринчиси – Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»лари ва Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»ларидир. Бу китоблар фақат «саҳиҳ» ҳадисларни ўз ичига олгандир. Ибни Хузайма каби муҳаддислар ҳам «Саҳиҳ» китоб тузганлар, аммо улар Имом Бухорий ва Имом Муслимлар асарлари даражасига етмаган.

3. «Сунан» китоблари. Бундай асарлар аввалида Абу Довуд, Термизий, Насай ва Ибн Можаларнинг китоблари туради. «Сунан» китоблари бошқа уламолар томонидан ҳам тузилган, лекин мазкур тўрт имомнинг китоблари даражасида эмас.

Юқорида айтиб ўтганимиз икки «Саҳиҳ» ва тўртта «Сунан» кўшилиб, «Сихоҳи ситта» – энг саҳиҳ олти китобни ташкил этади, лекин олтинчи китоб – «Сунани Ибн Можа» ҳақида уламолар ихтилоф қилишганини айтиб ўтишимиз керак. Жумладан, Ибн Асийр ва Розийлар «Сунани Ибн Можа»нинг ўрнига Имом Моликнинг «Муватто»сини қўйиш

керак, деганлар. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний эса унинг ўрнига Доримийнинг китобини қўйишни лозим санаганлар.

Шундай қилиб, юқорида айтганимиздек, аввал Бухорийнинг саҳиҳлари, сўнг Муслим китоблари, ундан кейин Абу Довуд, Термизий ва Насайининг суналари энг кучли ҳадис китоблар ҳисобланади. Ва бу китобларда келган ҳадислар энг ишончли бўлади. Сўнгра Бухорий билан Муслим иттифоқ қилган ҳадислар, кейин Бухорий ёлғиз ўзи ривоят қилган ҳадислари, сўнгра Муслим ва бошқаларнинг ҳадислари кучли ҳисобланади. Олтинчи ўринга Ибн Можа, Имом Молик ва Имом Доримийларнинг китоблари даъвогарлик қилади. Бошқа китоблар эса улардан кейинда туради.

4. «Муснад» китоблар. Бундай китобларда ҳар бир саҳобий алифбо бўйича ёки Исломига кириш навбати бўйича олиниб, у зотнинг ривоят қилган ҳадислари бирин-кетин келтирилади. Абу Довуд ат-Таёлисий ва Бақий ибн Муҳаммадларнинг китоблари «Муснад» китоблар жумласига киради. «Муснад» китобларнинг энг машҳури Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг китобидир.

5. «Мўъжам» – алифбо бўйича китоблар. Бу турдаги китобларда шайхлар, юртлар ва қабилаларга мансуб ҳадислар алифбо тартиби билан келтирилади. «Мўъжам» китобларининг энг машҳури Имоми ат-Табаронийнинг китобидир.

6. «Мустандрок» китоблар. Бирор муҳаддис ўз шартлари бўйича мавжуд ҳадисларни китобига қўшмай кетган бўлса, уни бошқа муҳаддис тўплаб китоб қилиши «мустандрок», дейилади. Мисол учун, Ал-Ҳоким ан-Найсабурий Имом Бухорий ва Имом Муслим шартлари бўйича қўшилмай қолган ҳадисларни топиб, «мустандрок» китобини тузган.

7. «Мустваҳраж» китоблар. Бу турдаги китобларда муҳаддис ўзидан олдинги бошқа бир муҳаддиснинг китобини олиб, унинг ҳадисларини ўзи топган бошқа ровийлар йўли

билан тузиб чиқади. Мисол учун, Абу Бакр ал-Исмоилий Бухорийга, Абу Авона Муслимга, Абу Али ат-Тусий Термизийга «мустахраж» тузганлар.

8. Жузларга оид китоблар. Бунда бир киши ривоят қилган ёки маълум бир мавзуга боғлиқ ҳадислар жамланиб, бир китоб қилинади. Мисол учун, Имом ас-Суютийнинг «Солат уз-Зуха» номли китоби ана шулар жумласидан.

Кейинги асрлардаги уламоларимиз мазкур китоблардан келиб чиқиб, турли мавзуларда ҳадис китоблари тузганлар. Мисол учун, Имом Нававийнинг ахлоқ-одобга боғлиқ ҳадислардан «Риёз ус-Солиҳийн» китоби, Имом ал-Мунзурий тарғиб ва кўрқитишга боғлиқ ҳадислардан «Ат-Тарғиб ват-тарҳийб» китоби, Ибн Таймия фикҳий ҳукмларга тааллуқли китоблардан «Булуғул Маром» китобини тузганлар. Ал-Муттақий ал-Ҳиндий «Канзул уммол» номли китобда қирқ минг ҳадисни тўплаган. Имом ас-Суютий ҳамма ҳадисларни тўплаш ниятида «Жамбул жавомеъ» номли китобга тартиб бериб, юз минг ҳадис тўплаганларидан кейин вафот этганлар. Имом Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатийб ат-Табризий «Масобих» номли катта китобдан «Мишкот ул-Масобийх» деган аҳком ҳадисга оид китобни тузган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳадис китоблари жуда ҳам кўп. Уларга ёзилган шарҳлар ундан ҳам кўп. Ҳозирда ҳам турли-туман китоблар топилиб, тадқиқ қилинмоқда. Ёки янгидан жамланмоқда, шарҳлар ёзилмоқда.

Муҳаддис уламоларимизнинг Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари йўлида, шариати Исломия йўлида қилган хизматлари ана шундай улкан. Бу хизматларни ёзиб, адо қилиш қийин.

Муҳаддис одоблари

Ҳадис илми билан шуғулланиш Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилувчи ишларнинг энг шарафлиси бўлганлиги боис, у билан шуғулланувчи ва уни одамлар ўртасида тарқатувчи киши, аввало, ўзи чиройли хулқ ва одоб эгаси бўлиши лозим.

У одамларга буюришдан олдин ўз нафсида уни тадбиқ қилиши ва у ишда ўзи бошқаларга намуна бўлмоғи керак.

Қуйида муҳаддис учун зарур бўлган одобларни келтирамиз:

1. Ихлосли, соф ниятли бўлиши ва қалбини дунёвий ғаразлардан, риёсат, мансаб, обрў ва шарафдан пок тутиши керак.

2. Унинг энг катта мақсади улуғ мукофот ва ажр умидида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини ва ҳадисларини етказиш, нашр қилиш бўлмоғи керак.

3. Ёши ва илми ўзидан аълороқ киши ҳузурида гапирмаслик.

4. Ҳадисда бирор нарса сўралганда – бошқа кишида борлигини билади – шунга иршод қилмоқ.

5. Бировнинг нияти тўғри эмас, демай, кейин нияти тўғри бўлиб қолар, деган умидда унга ҳадис сўзлашдан тўхтамаслик.

6. У ҳадис аҳлига айланса, ҳадиснинг имлоси ва таълими учун мажлислар ташкил қилсин. Чунки бу ривоят мартабаларини энг олийсидир.

Ҳадис ёзиш мажлисига қатнашишни хоҳлаган киши қилиши мустаҳаб бўлган амаллар:

1. Ҳадис ўрганиш, ўргатиш ва музокара қилиш учун ғусл қилиб, пок кийим кийиб ҳамда хушбўй нарсаларни сепиш. Имом Молик шундай қилар ва: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини улуғлашни яхши кўраман, яхшилаб таҳорат қилмагунимча ҳадис айтмайман», дер эдилар.

2. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари бўлганлиги учун виқор, хайбат, ҳурмат ва таъзим билан ўтирмоқлик.

3. Мажлисида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаларига юзланмоқлик. Бир томон ёки бир кишига хослаб олмаслик.

4. Мажлисни Аллоҳ таолога ҳамд, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва ҳолатга мувофиқ дуо билан очиш ва ҳатм қилиш.

5. Мажлисга ҳозир бўлганларнинг ақллари кўра олмайдиган, тушунмайдиган ҳадисларни гапиришдан сақланиш.

6. Қалбларни ҳузурлантириш ва ҳозир бўлганлардан зерикишни кетказиш учун ёзувни ажойиб ҳикоятлар билан тугатиш.

Неча ёшдан муҳаддис ҳадисларни сўзлаши мумкин бўлади? Уламолар бунда ҳам ихтилоф қилишган: баъзилар 50 ёш, деса, яна баъзилар 40 ёшни айтишган. Лекин энг тўғриси – у неча ёшда бўлса ҳам, қачон унга аҳл бўлиб гапиришликка эҳтиёж туғилса, ўша пайтдан бошлаб ҳадисларни айтишлиги мумкин.

Энг машҳур бу борада ёзилган китоблар:

1. Хатиб ал-Бағдодийнинг «Ал-Жомеъ ли ахлоқир-ровий ва одоб ас-сомеъ» китоби.

2. Ибн Абдил Барнинг «Жомеъ баён ал-илм ва фазлиҳи ва ма янбағий фий ривоятиҳи ва ҳамлиҳи» деган китоблари.

Ҳадис ўрганувчиларнинг одоблари

Ҳадис талаб қилувчи аввало олий одоб ва макоримул ахлоқ соҳиби бўлиш лозим. Зеро, у талаб қилиб ўрганаётган илмнинг шарафига муносиб бўлсин. У Аллоҳнинг каломидан кейинги энг мўътабар Расулуллоҳнинг каломини ўрганишга киришмоқда. Бу одоблар икки турли бўлиб, бири ҳадис ўрганувчи билан муҳаддис ўртасидаги муштарак бўлган одоблар, иккинчиси – фақат ҳадис ўрганувчининг ўзигагина тегишли бўлган одоблардир. Қуйида ҳар иккисини ҳам алоҳида зикр қиламиз:

1) Ҳадис ўрганувчи билан муҳаддис ўртасидаги муштарак бўлган одоблар:

А) Илм талабида ихлосли, соф ниятли бўлиш.

Б) Илм талаб қилишда дунёвий ғаразларни кўзламаслик. Имом Абу Довуд ва Ибн Можа Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбарсаллаллоху алайҳи васаллам

– «Кимки Аллоҳ розилиги учун ўрганиладиган илмни ўрганса, ўрганишдан мақсади фақат дунё матоҳига эришиш бўлса, қиёмат куни жаннат ҳидини топмайди (яъни, ҳидламайди)», деганлар.

В) Эшитган ҳадисларга амал қилиш.

2) Ҳадис ўрганувчиларнинг ўзига тегишли бўлган одоблар:

А) Аллоҳ таолодан «Ҳадис илмини ўрганишга киришдим, Ўзинг мададкор бўл ва Ўзинг тавфиқ ато этгин», деб сўрамоқлик.

Б) Бутун меҳнат ва куч-қувватини ҳадис ўрганишга сарфламоқ.

В) Аввало, ўз юртидаги иқтидорли аҳли илмлардан устоз топиб, илм бошламоқ.

Г) Ўз устозини ҳурмат қилиш. Чунки бу ҳадисни ҳурмат қилиш доирасига киради. Ва устозини рози қилмоқ, агар устоз тарафидан жафо қилинса, сабр қилмоқ.

Д) Дўстларини ҳадис ўрганишга иршод қилмоқ. Улардан илмни яширмаслик, зеро илм ўрганишдан мурод – ёйишдир.

Е) Илм олишда ҳаё (уялчанглик) ёки ёш катталиги монеъ (тўсиқ) бўлмаслиги.

Ё) Ҳар бир калимани кунт билан ўрганмоқ, дангасалик, бепарволик қилмаслик.

Ж) Ҳадисга тегишли китоб ва маълумотларни тўплаш ва уларнинг аввалига ўрганишда саҳиҳайинни, сўнг 4 та «Сунан» китобларини, кейин Байҳақийнинг сунанлари, Имом Моликнинг «Муватто» китоблари ва Имом Аҳмаднинг «Муснад» китобларини тақдим қилмоқ.

Х мавзу: Иснод ва унга тааллуқли бўлган илмлар

Ҳар бир хабарни санадга, ишончли суянчиққа суяниб қабул қилиш мусулмон умматининг ўзига хос хусусиятдир. Мусулмонлардан бошқалар бу нарсага эътибор бермаган. Сўзимиз тасдиқи учун Ибн Муборакнинг қуйидаги сўзларини келтирамиз: «Иснод – диннинг бир бўлагидир. Агар иснод бўлмаганида эди, ким нимани хоҳласа, ўшани гапираверарди». Имом Саврий розияллоху анху ҳам: «Иснод – мўминнинг қуролидир», деганлар. Саҳобалар ва уларнинг мусулмон авлоди – тобеъинлар ва улардан кейин келган салаф солиҳинлар ҳам ҳадисларни ўта аниқлик билан ривоят қилишган. Бунинг учун юқорида айтиб ўтганимиздек, бор куч-ғайратларини аяшмаган. Шу маънода ҳадис талаб қилишда сафарга чиқиш мустаҳаб саналган.

Иснод ва унга тааллуқли бўлган илмлар қуйидагиларни ўз ичига олади, яъни Латоифул иснод (исноднинг нозик жиҳатлари, нуқталари) қуйидагилардир:

1. Юқори ва қуйи иснодлар.
2. Мусалсал.
3. Катталарнинг кичиклардан қилган ривояти.
4. Оталарнинг болалардан қилган ривояти.
5. Фарзандларнинг оталаридан қилган ривояти.
6. Мудаббаж ва Арқон ривояти (мудаббаж – икки яқин кишининг бир-биридан қилган ривояти, арқон – ёшда ва иснодда бир-бирига яқин бўлган кишиларнинг ривояти).
7. Собиқ ва лохиқ ривояти (собиқ – олдин вафот этган, лохиқ – кейин вафот этган кишиларнинг бир-биридан қилган ривояти).

Ровийларни билиш, ўрганиш –

«Маърифатур – рувот»га қуйидагилар киради:

1. Саҳобаларни таниш.
2. Тобеъинларни таниш.

3. Ҳар бир табақадаги ровийларнинг ака-укалари ва опа-сингилларини таниш.

4. «Муттафиқ» (ровийларнинг исмлари ва оталарининг исмлари ёзувда ва лафзда бир хил бўлиши) ва «Муфтарик» (ровийларнинг турлича бўлиши)ни билиш.

5. «Муъталиф» ва «Мухталиф»ни билиш (ровийларнинг исмлари, лақаблари, кунялари ёки насаблари хатда (ёзувда) бир хил, лафзда эса ҳар хил бўлишлиги).

6. «Муташобеҳ»ни билиш (ровийларнинг исмлари лафзда ва ёзувда бир хил бўлиб, оталарининг исмлари эса лафзда бир, аммо ёзувда ҳар хил ёки акси бўлиб келиши).

7. «Мухмал»ни билиш (ровий ҳадисни иккита исмли бир хил кишидан ривоят қилиб, уларни тайин қилмаслиги).

8. «Маърифату ал-Мубҳамот»ни билиш (матнда ёки иснодда ровийлардан баъзисининг исмини мубҳам (ноаниқ) келтириш).

9. «Маърифату ал-вухдон»ни билиш (улар шундай ровийларки, фақат битта ривоятнигина ривоят қилишган).

10. «Маърифату ман зукиро биасмоин ав сифати мухталифаҳ» – ҳар хил исмлари, сифатлари ёки кунялари билан зикр қилинган ровийнинг ривоятини билиш.

11. «Маърифатул муфродат минал асмаи вал кунийи вал алқоб» – исмда, куняда ва лақабларда бошқа ровийлар муштарак бўлмаган шахснинг ривоятини ўрганиш.

12. «Маърифату асмои ман иштаҳару биканнаҳум» – кунялар билан машҳур бўлган кишининг исмларини билиш.

13. «Маърифатул алқоб»– ровийларнинг лақабларини билиш.

14. «Маърифатул мансубийна ила ғойри абаиҳим» – оталаридан бошқа кишиларга нисбат берилган ровийларни билиш.

15. «Маърифатун насаб аллатий ала хилафи зоҳириҳа» – ровийларга нисбат берилган зоҳирига муҳолиф бўлган исмларни билиш.

16. «Маърифату таварийхир рувати» – ровийларнинг тарихини ўрганиш.

17. «Маърифату ман холлата минас сиқоти» – ишончли сиқа ровийларга «ихтилот» етказган ровийларни билиш. Ихтилот – ақлнинг фасод бўлиши ёки қарилик, кўз нурунинг кетиши ёки китобларнинг ёниб кетиши сабабларидан тартибсиз сўзловчи бўлиб қолган киши.

18. «Маърифату тобақотил уламои вар-рувати» – ровийлар ва уламоларнинг табақаларини билиш.

19. «Маърифатул мавалий минар-рувати вал-уламаи» – ровийлар ва уламоларнинг маволийларини билиш.

20. «Маърифатус-сиқоти ваз-зуъафаи минар-рувати» – ровийлардан сиқа ва заифларини билиш.

21. «Маърифату автонир-рувати ва булдониҳим» – ровийларнинг ватан ва шаҳарларини билиш.

Шулардан «Маърифат ас-саҳоба» ва «Маърифат ат-тобеъин»ларни ўрганиб чиқсак:

«Маърифатус-саҳобаҳ»

Саҳобийнинг таърифи:

А) Луғатда «ас-сухбаҳ» сўз ўзаги бўлиб, бирлашма, уюшма, тўда, деган маънода келади. Истеъмолда эса «ас-саҳабату»– саҳобалар маъносида қўлланади.

Б) Уламолар истилоҳида эса кимки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга мусулмон бўлиб йўлиқиб, Исломда вафот этган бўлса, саҳобий, дейилади.

Бу илмнинг аҳамияти ва фойдалари: саҳобаларни билиш фойдаси жуда катта бўлган энг муҳим илмдир. Унинг фойдаларидан бири мурсал ҳадисдан муттасил ҳадисни ажратишдир.

Саҳоба эканлиги нима билан ажратилади?

Қуйидаги беш ишнинг бири билан ажратилади. Улар:

1) Тавотурлигидан – Абу Бакр Сиддиқ, Умар ва бошқа ўнта жаннат билан башорат қилинган зотлар каби.

2) Машхурлигидан – Зимом ибн Саълаба ва Уккоша ибн Миҳсан каби.

3) Саҳобийнинг хабаридан.

4) Сиқа тобеъин хабаридан.

5) Ўзи ҳақида айтган хабаридан, агар қилган даъвоси мумкин бўлса, яъни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан 100 йилгача саҳобаликка даъво қилиши мумкин, ундан сўнг қилган даъвоси қабул қилинмайди.

Саҳобаларнинг ҳаммалари таъдиллиги

Саҳобаларнинг ҳаммалари одилдирлар. Чунки улар ҳамалатуш – шариъа ва энг хайрли аср соҳибларидир.

Энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар олтига:

1) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу – 5374 та ҳадис ривоят қилган.

2) Ибн Умар розияллоҳу анҳу – 2630 та ҳадис ривоят қилган.

3) Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу – 2286 та ҳадис ривоят қилган.

4) Оиша розияллоҳу анҳу – 2210 та ҳадис ривоят қилган.

5) Ибн Аббос розияллоҳу анҳу – 1660 ҳадис ривоят қилган.

6) Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу – 1540 та ҳадис ривоят қилган.

Энг кўп фатво берган саҳобалар:

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу, сўнг Умар, Али, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абу Дардо ва Ибн Масъудлардир. Буларнинг ичидан энг улуғроғи Али ва Ибн Масъудлардир.

«Абодила»лар кимлар?

«Абодила», дегани саҳобаларнинг ичидаги Абдуллоҳ исмли кишилардир. Уларнинг ададлари тахминан 300 тага етади. Аммо асосан тўртта саҳобага Абдуллоҳ, деган исм ишлатилади:

Абдуллоҳ ибн Умар;

Абдуллоҳ ибн Аббос;

Абдуллоҳ ибн Зубайр;
Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос.

Саҳобаларнинг ададлари: буни аниқ айтиш мушкул, албатта. Лекин аҳли илм уламолар сўзларига қараганда, 100000 дан ортиқроқдир. Энг машҳур қавл Абу Зуръа ар-Розий: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қабз қилинганда, 114000 саҳоба у кишидан ҳадис эшитиб ривоят қилган», деб айтган («Ат-такриб маъа ат-тадриб» китоби, 2-жилд 220-бет).

Саҳобалар табақаларининг ададлари: уламолар ихтилоф қилишган. Улар Маккада Исломни қабул қилганлардан тортиб, то болалигида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганларгача аниқлаб чиқишган. Ва ҳар олим ўзининг ижтиҳодига қараб табақаларга тақсимлаганлар:

- А) Ибн Саъд - 5 та табақа;
- Б) Имом Ҳоким - 12 табақа;

Уларнинг энг афзаллари: аҳли сунна уламолари иттифоқларига кўра, саҳобаларнинг энг афзали Абу Бакр ас-Сиддик, кейин Умар, кейин Усмон, сўнгра Али розияллоҳу анҳу, кейин ашараи Мубашшара, Бадр аҳллари, Ухуд аҳллари ва Байъат ар-ризвон аҳллари.

Уларнинг энг аввал Исломни қабул қилганлари ким?

1. Ҳур эр кишилардан – Абу Бакр ас-Сиддик розияллоҳу анҳу;
2. Болалардан – Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу;
3. Аёллардан – Хадича розияллоҳу анҳу;
4. Маволийлардан – Зайд ибн Хориса розияллоҳу анҳу;
5. Қуллардан – Билол ибн Робох (.р.а.);

Уларнинг энг охири вафот этганлари ким?

- 1) Абу Туфайл Омир ибн Васида ал-Лайсий 100 ёшда Маккаи Мукаррамада вафот этган.
- 2) Ундан олдинроқ Анас ибн Молик 93 ёшда Басрада вафот этганлар.

Бу борадаги ёзилган китоблардан Ибн Хажарнинг «Ал-Исобату фий тамйиз ас-саҳоба» ва Ибн Абдил Биррининг «Ал-Истиъоб фий асмой асҳоб» китобларини эслаб ўтиш ўринли.

«Маърифатут-тобиъийна» (Тобеъийнларни билиш)

Тобеъиннинг таърифи:

Саҳобани мусулмон бўлиб кўрган ва Исломда вафот этган кишига тобеъин, дейилади. Улар саҳобаларни кўрган авлодлардир.

Уни билишдан фойдаси нима?

Муттасил ҳадисдан мурсал ҳадисни ажратиб олиш учун буни билиш жуда зарур.

Тобеъинлар табақалари бўйича уламолар ихтилоф қилишган:

1. Муслим – 3 табақага;
2. Ибн Саъд – 4 табақа;
3. Имом Ҳоким 15 табақага тақсимлаганлар.

«ал-мухозромуна» – ким?

«Мухозром»- нинг жами бўлиб, маъноси – жоҳилият даврида туғилиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам замоналарида яшаб, лекин у зотни кўрмаган кишига айтилади. Уларнинг сони тахминан 20 тадир. Улардан Абу Усмон ан-Нахдий ва Ал-Асвад ибн Язид ан-Наҳъийларни келтириш мумкин.

Етти фақиҳ олим

Кибор тобеъинлардан етти киши «Етти фақиҳ олим», деб ном чиқарганлар, уларнинг ҳаммалари Мадина аҳллари дир. Улар: Саид ибн ал-Мусаййиб, Ал-Қосим ибн Муҳаммад, Урава ибн Зубайр, Хоража ибн Зайд, Абу Салама ибн Абдурахмон, Убайдуллоҳ ибн Атаба ва Сулаймон ибн Ясар. Уламолар Убайдуллоҳ ибн Атаба билан Сулаймон ибн Ясар тўғриларида ихтилоф қилишган.

Тобеъинларнинг энг афзали машҳур қавлларга кўра, Саъид ибн ал-Мусаййибдир. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Хафиф аш-Шерозий: «Мадина аҳллари энг афзал тобеъин, деб

Саъид ибн ал-Мусаййиб розияллоҳу анҳуни айтишган», деганлар. Куфа аҳллари Увайс ал-Қароний розияллоҳу анҳу, Басра аҳллари эса Ҳасан ал-Басрий розияллоҳу анҳуни энг афзал тобеъин, деб айтганлар.

Энг афзал тобеъин аёл ким?

Абу Бакр ибн Абу Довуд шундай деган: «Хафса бинти Сирин, Амра бинти Абдурахмон ва Умми Дардо энг афзал тобеъин аёллардир».

Бу борада ёзилган машҳур китоб:

Абу Мутарриф ибн Фатис ал-Андалусийнинг «Маърифат ат-Тобеъин» китобидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Куръони карим.
2. Доктор Маҳмуд Тохҳон – «Тайсиру Мусталаҳ ал-ҳадис». Тошкент – 1992 й. Мовороуннаҳр нашриёти.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Исмоил ал-Бухорий – «Саҳиҳул Бухорий». Тошкент – 1978 йил.
4. Муслим бин Ҳажжож ал-Қушайрий – «Саҳиҳу Муслим». Байрут – 1993 йил.
5. Муҳаммад Абу Мусо ат-Термизий – «Сунан ат-Термизий». Истанбул – 1997 йил.
6. Аҳмад Муҳаммад Шокир – «Ал-Боъис ал-Ҳасис». Байрут – 1993 йил.
7. Ибн Салоҳ – «Улумул ҳадис» (Ҳадис илмлари). Мадина ал-Мунаввара – 1965 йил.
8. Муҳаммад Абу Заҳро – «Усулул фикҳ». Қоҳира – 1995 йил.
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф – «Ҳадис ва ҳаёт». 1-жузъ. Тошкент – 2003.
10. Жамолиддин Абдурахмон бин Аби Бакр ас-Суютий – «Тадриб ар-ровий фи шарҳи тақриб – ал-Нававий». Қоҳира – 1987 йил.
11. Миншавий Усмон Уюуд – «Ал-муҳаззаб фий мусталаҳ ал-ҳадис». Қоҳира – 1990 йил.